


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ



МАГИСТРЛИК ИШ

***МАВЗУ:* Вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари**

Илмий раҳбар: Бош прокуратура Академияси
профессори Б.Х.Пўлатов

Амалий раҳбар: Бош прокуратура 9-бошқарма
бошлиғи А.Ф.Муллажонов

Илмий маслаҳатчи: Бош прокуратура Академияси
кафедра бошлиғи Д.Л.Тўрахонов

Тингловчи: Ф.Х.Ахмедов

Тошкент 2020

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

КИРИШ	3
I БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1.1. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро тажриба ва стандартларнинг ўзига хос жиҳатлари	10
1.2. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчиликнинг умумий тавсифи	19
1.3. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати	29
II БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	
2.1. Айрим халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни	38
2.2. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар резолюцияларининг аҳамияти	45
III БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ	
3.1. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳақидаги стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалалари	58
3.2. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари	67
ХУЛОСА	75
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	78
ИЛОВА	89

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида вояга етмаганлар – болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТнинг 1989 йил 20 ноябрдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ “болаларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) биринчи навбатда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи лозим”лиги алоҳида қайд этилган¹.

Ўзбекистон Республикаси мисолида олиб қараганда вояга етмаганлар умумий аҳолининг қарийб 1/3 қисми (12157063 нафар)² вояга етмаганлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда вояга етмаганларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда мулкый ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш нақадар долзарб вазифа эканлиги аён бўлади.

Худди шунингдек, юртимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур соҳада амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий асоси сифатида ўтган йиллар давомида “Таълим тўғрисида”ги³, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги⁴, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги⁵, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

¹ www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml

² <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya>

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги¹, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги², “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги³ қонунларнинг қабул қилинганлигини келтириш мумкин. Қайд этиш лозимки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бироқ, глобализация шароитида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, йилдан-йилга халқаро ҳамжамиятга тобора кўпроқ интеграция қилиш вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Жумладан, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ички ишлар органларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи лавозимини жорий этиш, шунингдек ҳудудларда ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида етук ва масъул мутахассислар томонидан маҳаллаларда сайёр қабуллар ташкил қилиб, зарур ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини амалга оширилиши белгиланган эди⁴.

Бундан ташқари, қайд этиш керакки, вояга етмаганларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларинининг тўлиқ таъминланмаслиги, уларнинг жазони ижро этиш муассасаларидаги ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштиришга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 сентябрь, 182 (6617)-сони.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

масалаларнинг етарлича тадқиқ этилмаганлиги, жорий қонунчиликни қўллаш жараёнида вужудга келадиган коллизион ҳолатларда вояга етмаганлар ҳуқуқларининг тўлақонли таъминланмаслиги, шунингдек вояга етмаганларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларининг амалда таъминланишини кафолатловчи механизмларнинг ҳозирги кунда етарлича ишламаётганлиги, ўрганилаётган муаммолар йиллар давомида ўз аҳамиятини сақлаб келаётганлиги вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) қарор ва фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга оид норматив-ҳуқуқий

хужжатлар, махсус адабиётлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик ахборотлардан иборатдир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

– вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро тажриба ва стандартларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчиликнинг умумий тавсифини таҳлил қилиш;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини таҳлил этиш;

– айрим халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини аниқлаш ва изоҳлаш;

– вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар резолюцияларининг аҳамиятини тадқиқ қилиш;

– вояга етмаганлар ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳақидаги стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалаларини баён қилиш;

– вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш ва халқаро стандартларни қўллаб вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро стандартлар, шунингдек миллий соҳавий қонун ҳужжатлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида такомиллаштириш масаласи магистрлик диссертацияси даражасида илк марта тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, мазкур тадқиқот ишида вояга етмаганларга оид нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро стандартлар, шунингдек вояга етмаганларнинг

ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари комплекс ва ихчам тарзда таҳлил қилинган. Шунингдек, унда илмий-назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини бошлаб беради.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и. Мазкур мавзуга оид амалга оширилган назарий, амалий ва илмий ишлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, оила ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳам тартибга солинади. Шу сабабдан ҳам ушбу мавзунинг комплекс характер касб этишини инобатга олган ҳолда мазкур йўналишда олиб борилган илмий тадқиқот ишларини, уларнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилганлик даражасини ҳақида маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид тадқиқотлар Х.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов, Б.Х.Пўлатов, А.А.Эргашев, З.Н.Эсанова, М.Ю.Гасанов, И.Х.Мавлонов, Б.Д.Ахраров, А.Т.Алламуратов, О.Мадалиев, У.Ш.Холикулов, Н.Т.Исмоилов ва бошқалар томонидан ўтказилган¹.

¹ Х.Т. Одилқориев: Ёшлар ҳуқуқини муҳофазалаш – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналиши// Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: миллий қонунчиликда халқаро стандартларни амалга ошириш масалалари// Илмий-амалий конференция материаллари, Т.: ТДЮИ, 2008 й, - Б. 188-199; Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар. –Международные документы по правам несовершеннолетних/Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2002.-19 б; Пўлатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати (ўқув қўлланма) // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. 2007. Т., 132-б; А.А.Эргашев. Адвокат томонидан вояга етмаганларни ҳимоя қилишнинг айрим масалалари// Адвокатура институтини ислоҳ этишнинг айрим йўналишлари мавзусидаги давра суҳбати материаллари/ Т.; 2009, 26-30; Эсанова З.Н Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишда вакил (адвокат) иштирокининг ўзига хос хусусиятлари // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007 №4. Б. 40-46; Гасанов М.Ю. Ўзбекистонда ювенал адлия тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш концепцияси // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», 2006, №1, 32 – 38 – бетлар; И.Х. Мавлонов. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва структураси // “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари//Т.: ТДЮИ, 2007 й, 15-18 б; Б.Д.Ахраров. Жиноят қонунчилигининг вояга етмаганлар тўғрисидаги нормаларининг либераллаштириш масалалари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг

Хорижий мамлакатларда В.Н.Ткачев, М.Садовникова, М.Б.Готов, В.М.Целуйко ва бошқалар¹ томонидан мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, айнан вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ўтказишда илмий билишнинг умумилмий диалектик, тарихий, расман-мантикий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик ва тизимли таҳлил каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар ҳуқуқшунослик фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги айрим муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 102-109 б; А.Т.Алламуратов. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари: “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 126-131 б; О.Мадалиев. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва прокурор. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 164-167 б. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширилишининг халқаро-ҳуқуқий масалалари (назария ва амалиёт муаммолари). Юр.фан.номзоди....автореферати. –Т.: Patent-Press, 2007.; Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. ю.ф.н. илм.дар... дисс. – Т., 2006.; Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш бўйича методик тавсиялар. – Тошкент, 2006.;

¹ Ткачев В.Н. Освобождение несовершеннолетних от уголовной ответственности и восстановительное правосудие: Дисс. ... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2002. С. 42.; Становления институтов ювенальной юстиции в России и зарубежных странах: историко-правовое исследование. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2009. Ст. 10-11. Как работает ювенальная юстиция во Франции. М.: 2009 г. Конфликт между поколениями // Социологическая энциклопедия. В 2 т. Т. 1. М., 2003. С. 484. Психология неблагополучной семьи. М., 2006.- с. 203-204, 114.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан амалдаги қонун ҳужжатларини, шунингдек вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, еттига параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 80 бетни ташкил этган.

Илмий тадқиқот қилиш жараёнида миллий ва хорижий журналларда 8 та мақола чоп этилди

I БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро тажриба ва стандартларнинг ўзига хос жиҳатлари

Жаҳон ҳамжамиятида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб ҳуқуқий масалалардан бири бўлиб, умуминсониятнинг диққат марказидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таркибий қисми ҳисобланади¹. Қайд этиш керакки, инсон ҳуқуқлари бу инсоннинг давлатга нисбатан ҳуқуқий мақомини белгиловчи, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда қандай имкониятларга эга эканлигини тавсифловчи тушунчадир². “Инсон ҳуқуқлари” тушунчаси кенг қамровли ҳамда комплекс характерга эга бўлиб, у мазмунан бир неча таркибий қисмларни, жумладан, бола ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади³.

Шунга кўра, айтиш мумкинки вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳам долзарб масалаларидан саналади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилганда энг аввало, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш специфик характерга эгаллиги, бу эса вояга етмаганнинг аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишини англамаслиги, шунингдек уларни мустақил ҳимоя қилиш имконияти йўқлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан

¹Рустамбаев М.Х. Права человека начинаются с прав ребёнка//”Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. Б.12

² Абдумажидов Ф.А. Адолат, жавобгарлик, жазо. // Давлат ва ҳуқуқ. -2003.- № 4. –Б.14.

³ Джамбакиев Б. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари//Фалсафа ва ҳуқуқ.2007.№2.-С.57-58.

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларидан бири ювенал юстиция ҳисобланади.

Ювенал юстиция – халқаро атама бўлиб, вояга етмаганлар учун одил судлов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади¹. Яъни, “ювенал юстиция”ни вояга етмаганлар учун судлов институти дейиш мумкин. Бирок, ювенал юстициянинг суд органидан фарқли жиҳати шуки, у жамиятнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларга дахлдор масалаларни ҳал этишда кенг қатнашади. Шу жиҳатдан уни давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тизими ҳам дейиш мумкин.

Бунга мисол сифатида айтиш мумкинки, АҚШ, Франция ва Японияда ювенал юстиция тизими вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ суд жараёнида юзага келувчи васийлик, ҳомийлик, ота-онага нисбатан санкцияларни қўллаш, мулк ҳақидаги низо каби масалаларни кўриб чиқади. Яъни, мазкур давлатларда вояга етмаганлар билан боғлиқ фуқаровий, маъмурий, хўжалик ва жиноий ишларни ҳал этиш мазкур юстиция ваколоти доирасида ҳисобланади. Бу эса ривожланган давлатларда судларнинг ихтисослашгани ва анча самарали тажриба тўпланганини кўрсатади. Бугунги кунда ихтисослашган вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқиш ваколотига эга ювенал судлар дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларида мавжуд².

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ювенал юстициянинг асосан уч шакли кенг тарқалган:

– ихтисослашган судлар (АҚШ, Болгария, Германия, Руминия, Польша, Эстония, Литва, Россия, Қозоғистон ва бошқалар);

– маъмурий ваколатларга эга ва вояга етмаганлар манфаатларини жиноят, оилавий, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқ соҳаларида ҳимоя этувчи ижроия

¹ Хамидова М.А.Ювенал юстиция у қандай бўлиши керак? Рисола./Масъул муҳаррир ю.ф.д. Х.Бобоев.-Т.ДЮИ.2006.-40б.

² <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/322-yuvenalnyie-sudyi-dve-33742.html>

тизими (Австрия, Венгрия, Испания, Латвия, Молдова, Франция, Япония ва бошқалар);

– вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини умумий юрисдикцияга эга судлар томонидан ҳимояловчи тизим (Белорусия, Украина, Арманистон, Қирғизистон ва бошқалар) жорий этилган.

Сўз юритилаётган тизим мураккаб тарихий жараённи босиб ўтган. Тарихан олиб қараганда дастлаб Европа мамлакатлари судлари жиноят содир этган шахснинг ишини кўриб чиқишда унинг ёшига доир хусусиятини инобатга олмаган. Кейинчалик, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги учун жазо тайинлашда ёш ва психо-физиологик ривожланишга эътибор қаратиш тенденцияси кузатилди. Жумладан, Наполеон Кодексида вояга етмаганларга нисбатан “ўз қилмишининг оқибатини тушуниб етган ёки етмаган” каби тушунча келтирилган¹.

Мутахассисларнинг фикрига кўра АҚШда вояга етмаганларнинг судда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган васийлик назорати Бостонда яшовчи Кук ва Августус ташаббуси билан ташкил этилган. Улар вояга етмаганлар иши бўйича судда қатнашиб, мабодо ўсмирни тузатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишса, суддан бу болаларни жазоламай, балки уларга бундан кейин болаларнинг хулқ-атворидан хабардор бўлиб туришларини айтиб, гаровга беришларини сўрашган². Бу эса 1899 йил 2 июль куни Иллинойс штатида жаҳонда илк бор “Ташландиқ, қаровсиз ва жинояткор болалар ва уларга қараб туриш ҳақида” Қонун қабул қилинишига ҳамда ювенал суд – вояга етмаганлар суди ташкил этилишига олиб келган³.

Бу борада Франция тажрибаси ҳақида сўз юритганда 1945 йил 2 февралда қабул қилинган 45-174 рақамли Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ва уларнинг жавобгарлиги Ордонанси ташкил этилганлигини қайд этиш лозим⁴.

¹ Мак-Клеллан Д. Правосудие по делам несовершеннолетних в США // Уголовная юстиция: проблемы международного сотрудничества. М., 1994. С. 176.

² Ювенальная юстиция: Специфика реализации судебной власти /Э. Б. Мельникова.//Государство и право на рубеже веков. Криминология. Уголовное право. Судебное право. -М., 2001. -С. 259 – 265.

³ США. Конституция и законодательные акты.–М.:Норма-ИНТЕКС.1993.С.572.

⁴ Introduction a la justice des mineurs, Patrice Saceda., Vaucresson, CNFE-PJJ, novembre 2001.

Ундан олдин эса Францияда “Болалар суди” ташкил этилган бўлиб, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб вояга етмаганларни дастлабки терговда назорат қилиш вазифаси суд полициясининг зиммасига топширилган¹. Шунингдек, болалар судьяси билан тергов судьяси ўртасида олиб борилаётган вазифалар аниқ тақсимланди². Бунда жиноий ишларгина тергов судининг зиммасига юклатилган.

Вояга етмаганларнинг суд жараёнида Франция жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ прокурор ҳам иштирок этган. Прокурор фаолияти вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал доираси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича қасамёдлар судида муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал ҳузуридаги прокурор бажарган³.

Тадқиқ этилаётган соҳада етарли тажрибага эга давлатлардан бири Япония бўлиб, у ерда вояга етмаганларнинг жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишларини кўрувчи алоҳида тизим фаолият юритади. Оилавий суд ваколати вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, вояга етмаганларга зарар келтирувчи жиноятлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган оила ҳуқуқининг барча масалаларини қамраб олади. Оилавий суднинг ваколатларига 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган ҳуқуқбузар вояга етмаганлар, шу билан бирга ўша ёшдаги ижтимоий мослашмаган шахсларга оид ишлар тааллуқли бўлади. 16 ёшдан катта бўлган вояга етмаганнинг иши у оғир жиноят содир этган тақдирда умумий жиноят судига кўриш учун берилиши мумкин⁴.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартлар хусусида сўз юритганда “Бола ҳуқуқлари Конституцияси” деб ном олган 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги

¹ Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: Учебное пособие/ Под ред. и с предисл. И.Д.Козочкина. –М.: Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А.С.Грибоедова, 2013. С.347.

² James R.Himes Implementing the Convention on the Right of the Child, UNICEF, Italy, 2005. P.78.

³ http://pnu.edu.ru/ru/faculties/full_time/uf/iogip/study/studentsbooks/histsources2/igpzio52/Уголовно-процессуальный кодекс Франции

⁴ <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/semeynyiy-sud-31946.html>

Конвенцияга тўхталиб ўтиш лозим. Унинг 12-моддасида болага оид бўлган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида бевосита вакил ёхуд тегишли орган томонидан миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрини эшитиш орқали унга қўйилаётган айб бўйича ота-онаси ёки қонуний васийси орқали кечиктирмасдан ўзининг ҳимоясини тайёрлашда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш каби кафолатлар кўрсатилган¹.

Шунингдек, бошқа бир халқаро ҳужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси тўртинчи бандида “Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларнинг қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инobatга олиши лозим”лиги қайд қилинган².

Шунингдек вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга оид халқаро ҳужжатлар сифатида Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959), Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид БМТ қоидалари (1990) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд. Улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартларида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли “Пекин қоидалари” деб ҳам юритилади. Унда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Т.: UNICEF Uzbekistan, 2014. Б.15.

² Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 2017.-С.69.

қилиниши кўрсатилган. Унда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида қуйидагилар белгиланган:

- вояга етмаганларнинг муносиб келажагини таъминлаш;
- таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқлиги;
- вояга етмаганларга нисбатан муайян турдаги жазо чораларининг қўлланилишининг чекланганлиги.

“Пекин қоидалари”да суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича қуйидаги стандартларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- махфийлик сақланиши қоидасини мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилиш;

- ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланилмаслиги;

- вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо ҳар доим сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклиги;

- вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазонинг муддати минимал даражага туширилиши.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасида сақлаш юзасидан универсал эътироф этилган минимал стандартлар ҳамда бутун дунёда пенитенциар муассасалар билан ишлашга доир қонунлар, сиёсат ва амалиётни ишлаб чиқишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёл маҳбуслар билан муомала қилишга ва аёл-ҳуқуқбузарлар учун озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига доир қоидалари – Бангкок қоидаларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур қоидалар ёлғиз ўзини қамаб қўйиш шаклидаги жазо руҳий ҳолати бузилган ёки жисмоний нуқсонларга эга маҳбусларга нисбатан, агар бундай чораларнинг қўлланилиши улар ҳолатининг ёмонлашишига олиб келса, тақиқланиши кераклиги тўғрисидаги халқаро

стандарт билан бирга вояга етмаган қизлар билан боғлиқ ҳолатларда уларнинг ёлғиз ўзини қамаб қўйишни тақиқлаши билан аҳамиятли¹.

Бундан ташқари Бангкок қоидалари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ўташга маҳкум қилинганларнинг фарзандлари маҳкум ҳисобланмаслиги, улар билан муомала қилиш шунга яраша бўлиши, энг асосийси – жиноят содир этган шахс (она) жазони ижро этиш муассасасига келгунга қадар озодликда қоладиган вояга етмаган фарзандига ғамхўрлик қилишнинг муқобил йўллари амалга оширишига имконият яратиш лозим.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгиловчи умумий қоидалар кўрсатилган. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 18 ёшгача, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшни ўз ичига олади. Болгария, Венгрия, Германияда жиноий жавобгарлик ёши 14 ёшдан; Греция ва Францияда 13 ёшдан, АҚШда штатлар қонунчилигига кўра 10 дан 17 ёшгача вужудга келади. Европа давлатларининг кўпчилигида вояга етиш 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда эса 20 ёшдан ҳисобланади. Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон ва Украина давлатларида ҳам жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошланади.

Ўз навбатида М.Х.Рустамбаев мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга, қатор халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларга қўшилиши юртимизда вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ ишларни кўрувчи ювенал адлияни тузиш фурсати етганлигини таъкидлаб, ювенал адлия тизимига ювенал судьялар, ювенал прокуратура, болалар адвокатураси, назоратсиз ва ҳуқуқбузар вояга етмаганлар профилактикаси органлари киришини қайд этади².

¹ Бангкокские правила ООН, касающиеся обращения с женщинами-заключенными и женщинами-правонарушителями. Резолюция № 65/229 <https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2013/07/Final-PRI-Short-Guide-Bangkok-Rules-Russian.pdf>

² Рустамбаев М.Х. Ёшлар қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари//Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари/ Масъул муҳар. Т.А.Умаров. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2008. Б.34.

Ювенал адлия асосланадиган муҳим қоида – вояга етмаганлар иши юзасидан суд ишларини юритишда ҳар бир ҳуқуқбузар шахсига ва ҳар бир ҳуқуқбузарлик фактига ўзига хос ёндашиш, яъни индивидуал ҳолда масалани ҳал этиш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ювенал судлов тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Ювенал судлов тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши суриштирув, тергов ва суд давомида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида ҳалқаро ҳуқуқий меъёрлари ва стандартлари амалга оширилишига катта ҳисса қўшади. Бу эса ўз ўрнида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ва замонавий тизими вужудга келишида катта роль ўйнайди.

ЮНИСЕФнинг маълумотларига қараганда 40 дан ортиқ мамлакатларда миллий ва минтақавий даражадаги бола ҳуқуқлари бўйича вакиллик хизматлари бола ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг мустақил механизми функциясини бажармоқда.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларининг яна бир шакли – Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман ҳисобланади. Мазкур институт биринчи марта 1981 йили Норвегияда таъсис этилган эди. 1993 йили Швецияда таъсис этилган омбудсман институти, Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман мансабини таъсис этиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, болалар ва ёшлар эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенциясига мувофиқ Швеция ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришига ваколатлидир.

Омбудсманлар кўпроқ Шимолий ва Марказий Европа (Австрия, Бельгия, Германия, Дания, Исландия, Люксембург, Норвегия, Финляндия ва Швеция) ва Лотин Америкаси (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика ва Перу), шунингдек, Жанубий Австрия, Канада (Онтарио ва Британия Колумбияси провинциялари), Исроил, Испания ва Янги Зеландияда ҳам ташкил этилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти билан ваколатига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб беришнинг бошқа таркибий қисмларини олган анъанавий тузилмаларни ўрнини эгалламасдан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакл ва воситаларини тўлдиради.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4296-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилди.

Бизнингча, мазкур институтнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш ва уларга оғишмай амал қилинишини таъминлаш, шунингдек вояга етмаганлар ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш механизми сифатида юзага чиқди.

Бу бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганида жумладан, Россия Федерацияси, Украинада бундай вакил институти мамлакат Президенти ҳузурида ташкил этилган бўлса, Ўзбекистон мисолида бу институт Президентнинг эмас, балки Олий Мажлиснинг вакили сифатида фаолият юритади. Бундай амалиёт Швеция (Ригсдаг вакили) ва Финляндия (Парламент вакили) тажрибасида ҳам кузатилади. Шунингдек, бундай вакил институтлари фаолиятининг ташкил этилиши уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш компетенцияларига кўра ҳам фарқланади¹.

Шу ўринда, мамлакатимизда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари сифатида жорий этилганлигига эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)

¹ Лихтер П. Л. Проблемы совершенствования законодательства о компетенции уполномоченного по правам ребенка в субъектах Российской Федерации // Ленинградский юридический журнал. 2015. №2 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemu-sovershenstvovaniya-zakonodatelstva-o-kompetentsii-upolnomochennogo-po-pravam-rebenka-v-subektah-rossiyskoy-federatsii> (дата обращения: 05.06.2020).

институтининг мустақиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Негаки, мазкур институтнинг ўзига хослиги, бола – вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакл ва услубларининг мураккаблиги, бу эса алоҳида дифференциал ёндашувни тақозо қилиши, шунингдек функционал вазифа ва ваколатларига кўра Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)дан алоҳида, мустақил институтга айлантирилиши ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг хусусияти ва табиатига мос келади.

1.2. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчиликнинг умумий тавсифи

Мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда қафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Баркамол авлодни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, вояга етмаганларни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни янада яхшилаш борасида республикаимизда 20 дан ортиқ қонун, 30 га яқин Президент Фармони ва қарорлари, 50 га яқин Вазирлар

Маҳкамаси қарорлари ва 200 дан ортиқ соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар – жами 300 га яқин вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Шунингдек, болалар ва ёшлар ҳуқуқларига оид 10 га яқин халқаро шартномалар ратификация қилинган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги¹, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги², “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги³, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги⁴, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги⁵, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги⁶, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги⁷ қонунларнинг қонунларнинг қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритишдан олдин вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари мазмунига халқимизга хос болажонлик, ўз фарзандига ғамхўрлик хислатлари сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, шунингдек 64-моддада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 сентябрь, 182 (6617)-сони.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари тўғрисидаги конституциявий норма мустаҳкамланган¹.

Вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатлари хусусида сўз кетганда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни² муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун фуқароларга, хусусан, вояга етмаганларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Унинг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган.

Мазкур қонуннинг 7-моддасида давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига кўйиладиган талаблар белгиланиб, ДТСни бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурий эканлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, Қонуннинг 30-моддасида вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгар эканликлари белгиланган.

Шу ўринда, вояга етмаганларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи халқаро стандартлардан бири сифатида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО)ни келтириш ўринли.

Миллий таълим тизимлари ўз структураси ва таълим дастурлари мазмунига кўра давлатларнинг тараққий этганлик даражасига қараб миллий ва халқаро даражада ўзаро фарқ қилади. Жаҳон миқёсида таълим тизими

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

жараёнларини тушуниш ва тўғри интерпретация қилиш мақсадида 2011 йилнинг ноябрида Юнесконинг Бош конференцияси 36-сессиясида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи қабул қилинган. Даставвал, бу таснифлагич 1970 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, 1997 йилга келиб қайта кўриб чиқилган. Бу ҳужжатга бутун дунёда таълим тизимларидаги янгиликлар киритилиб, такомиллаштирилиб борилади. 2011 йилда киритилган ўзгартиришлар тадқиқотимиз учун шуниси билан аҳамиятлики, бунда кичик ёшдаги болалар таълим тизимини ривожлантиришнинг янги категориялари билан тўлдирилган ва учинчи даражадаги таълим тизими қайта кўриб чиқилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда¹.

Таълимдан кўзланган мақсадга эришишда қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида давлат маъмурий мажбурлов чорасини қўллаш билан таҳдид қилади. Яъни, унда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5812-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5812/3699-сон.

шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик, бунинг оқибатида вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиши, шунингдек, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш билан мустаҳкамлаган¹.

Алоҳида қайд этиш керакки, юқорида келтирилганлардан ташқари вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик (47¹-модда), ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик (47²-модда), никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик (47³-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик (47⁴-модда), васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдирганлик (48-модда) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Уларнинг аксарияти бир йил ичида такроран содир этилганда жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ҳуқуқбузарликлар бўлиб, қонун чиқарувчи мазкур восита билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф ҳуқуқбузарликларга қарши курашади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги² Қонуни 3-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) бола (болалар) деб эътироф этилиши мустаҳкамланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 2017 й., 1-сон, 1-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

Мазкур қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ҳамда бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ўрин олган. Бундан ташқари, ушбу қонун ҳужжатида вояга етмаганларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ўз фикрини эркин ифода этиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, хусусий мулк ва турар жойга бўлган ҳуқуқи, меҳнат қилиш, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ва билим олиш каби ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган.

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари ва принциплари ҳамда уни амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари мустаҳкамланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, мазкур Қарорнинг 3-бандига асосан юқорида сўз юритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

комиссияларни тегишинча Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил этилди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланди¹.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлардан яна бири – “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунидир². Ушбу Қонун ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонуннинг 3-моддасида “ёшлар” тушунчасига изоҳ бериб, қонун чиқарувчи ёшлар деганда ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар доирасини белгилайди.

Шунингдек, Қонунда давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Юқорида келтирилган вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири мазкур қонун ҳужжатларининг асосий мақсади вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги ўз ҳуқуқларини тўлақонли реализация қилишга шарт-шароит яратиш ҳисобланади.

Шундай қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади³. Ушбу қонун ўн

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 сентябрь, 182 (6617)-сони.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли – васийлик ҳамда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли – ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонунда, шунингдек, агар ота-онаси билан туриши вояга етмаган шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шарт. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасида васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шартлиги белгиланган. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз

ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга нисбатан тайинланиши инобатга олинса юқорида келтирилган ҳолат нақадар жиддий эканлиги аён бўлади. Модданинг амалдаги таҳририда фақатгина васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, бу турдаги қилмишлар васийлик ва ҳомийликнинг хусусиятига кўра мунтазамлик касб этиши эҳтимоли юқори. Шунга кўра, ушбу моддани янги таҳрирда қабул қилиш, мазкур моддага худди шу қилмишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такроран содир этилганлиги учун жазо чорасининг оғирлаштирилиши ижтимоий адолат принципини таъминлаш, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиш керакки, ўсиб келаётган ёш авлодни уларнинг саломатлигига, ҳаётига ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан асрашни назарда тутувчи “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни¹ мазкур масалани тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунда бузғунчи ғоялар билан болаларнинг руҳияти, ҳаётига ва саломатлигига зиён етказувчи ахборотлар тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироқи ҳамда улар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилган.

Ҳуқуқ соҳасида кўзга кўринган олимлардан бири Г.Юлдашева мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

манфаатларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги асосий принциплари шаклланганлигини кўрсатади:

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган болаларга нисбатан дискриминацияга йўл қўймаслик, вояга етмаганларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш;

- Конституция ва қонунларнинг устунлигини эътироф этган ҳолда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қонун нормаларни такомиллаштириб бориш;

- вояга етмаганларнинг жисмой, маънавий, диний ва ақлий камол топишини таъминлаш;

- вояга етмаганларни ҳуқуқ ва манфаатларни кафолатини таъминлаш мақсадида улар яшаётган оилаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;

- вояга етмаганлар манфаатларини бузилишига, чекланишига сабаб бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

- вояга етмаганларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш.¹

Юқорида таҳлил қилинган вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш, жумладан, вояга етмаганларнинг яшаш, индивидуалликни сақлаб қолиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, соғлиқни сақлаш, билим олиш, ҳимоя, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, хусусий мулк ва турар жой, меҳнат қилиш, дам олиш ва шу каби бошқа ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган. Бизнингча, мазкур қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг МЖтКга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

¹ Юлдашева Г., Эсанова З.Н., Эгамбердиев А.У., Тухташева У.А., Права ребенка. Дарслик. – Т.: ТГЮУ, 2017. – Б. 28.

1.3. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати

Прокуратура органлари давлат ҳокимияти органи сифатида қонун ҳужжатлари устидан назоратни амалга ошириш функциясини бажаради. Унинг бу борадаги фаолияти қатор назарийётчи олим ва соҳанинг амалиётчи мутахассислари томонидан тадқиқ қилинган.

Жумладан, олим ва прокуратура соҳасининг йирик амалиётчиси, профессор В.Г.Бессарабов прокуратуранинг зарур императив ваколатларга эга, давлатда олий ҳокимият намоёндаси номидан фаолият кўрсатувчи ҳокимият органи эканлигини ҳамда прокуратура қонун ҳужжатларининг аниқ бажарилишини назорат қилиш орқали давлат ҳокимияти барча тармоқларининг ваколатлари амалга оширилишини текширувчи механизм эканлигини таъкидлайди¹.

Шунингдек, айрим хорижий тадқиқотларда прокуратура давлат ҳокимиятининг тийиб турувчи ва мувозанатловчи механизм элементи сифатида ёритилиб, у бир давлат ҳокимиятининг бошқаси устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймасликка хизмат қилишини тушунтиради².

Ушбу қарашларга ўхшаш фикрлар айрим миллий ҳуқуқшунос олимлар ҳамда прокуратура органларининг амалиётчи ходимлари орасида ҳам учрайди. И.К.Жасимов томонидан Ўзбекистон прокуратураси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига ҳам кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил бўлган давлат-ҳуқуқий институти эканлиги ҳақидаги мулоҳаза билдирилади³. Шунга ўхшаш фикрларга бошқа амалиётчи мутахассислар асарларида ҳам дуч келиш

¹ Бессарабов В.Г. Организация деятельности Российской прокуратуры (1996-2006). – Нальчик, 2006. С. 36.

² Прокуратура Российской Федерации: Концепция развития на переходный период. – М., 2004; Проблемы развития правового статуса Российской прокуратуры в условиях переходного периода. – М., 2008; Смирнов А.Ф. Прокуратура и проблемы управления. – М., 2007; Дворянский А.М., Рохлин В.И. Прокуратура Российской Федерации: Конспект лекции. – СПб., 2009.

³ Жасимов И.К. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. – Т., 2004. – 72-бет.

мумкин. Жумладан Ғ.Алимов прокуратура Конституцияда мустақамланган давлат ҳокимияти тармоқларининг биронтасига ҳам кирмаслигини тушунтиради¹.

Юқоридаги илмий қарашлар прокуратура органларининг вазифа ва функцияларини амалга оширишдаги мустақиллигини англатади. Қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда холислик ва адолатни таъминлаш нуқтаи назаридан унинг ҳеч қайси давлат органи тармоғига кирмаслиги тўғрисидаги И.К.Жасимов ва Ғ.Алимовларнинг қарашларига қўшилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Прокурор назоратини мустақил ҳуқуқий фан сифатида ўрганиш билан боғлиқ мунозарали қарашлар мавжуд. Жумладан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “Прокурор назорати ҳуқуқи” алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида ажралиб чиқаётганлигини асослашга уриниш В.С.Тадевоян ва В.Г.Мелкумовлар асарларида учрайди². Уларнинг фикрларини кейинчалик В.Г.Даев, В.Д.Ломовской, М.Н.Маршунов ва бошқалар қўллаб-қувватлади³. Булар масаланинг тарихий жиҳатларини акс эттирсада, бироқ В.Н.Галузонинг “Прокурор назорати ҳуқуқи” ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этилишига қўшилмаслигини билдириб, унинг фикрича бундай қарашда прокуратуранинг фақат битта функциясига урғу берилиб, қолган ижтимоий муносабатлар эътибордан четда қолади. Шу сабабдан бу тўғрида “Прокурорлик ҳуқуқи” деб юритишни таклиф этади⁴. Биз В.Н.Галузонинг мазкур қарашини нисбатан кенг ёндашув сифатида қабул қилиб, унинг фикрига қўшилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Прокуратуранинг назорат фаолияти ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан Конституцияга риоя этилишини, мамлакат ҳудудида амал қилувчи қонун ва

¹ Алимов Ғ – Х.А. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Т., 2004. – С. 40.

² Тадевоян В.С. Прокурорский надзор в СССР: Авторефер. дисс. докт. юрид. наук. – М., 1958. С.45.; Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемы общего надзора. – Душанбе, 1970. С. 74-87.

³ Даев В.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. – Ленинград: изд. ЛГУ, 1990. – С. 66; Ломовский В.Д. Прокурорско-надзорные правоотношения. Монография. – Ростов ГУ, 1987. – С. 35-43.

⁴ Галузо В.Н. Сущность прокурорского надзора // Прокурорский надзор. Под ред. Галустьяна О.А. и др. – М.: «Закон и право», 2016. С. 14.

қонуности ҳужжатларнинг ижросини, шунингдек жиноий таъқибнинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида ташкил этилади.

Прокурор назоратининг моҳияти унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

- прокурор назорати давлат номидан амалга оширилади;
- прокурор назорати давлат хизматчиларининг алоҳида тоифаси – прокурорлар томонидан амалга оширилади;
- прокурор назорати қонунда белгиланган катта (кенг) кўламдаги таъсир чоралари воситалари орқали амалга оширилади;
- прокурор назорати давлатнинг алоҳида функцияси – муҳофаза ва назорат функциясини таъминлашга хизмат қилади;
- прокурор назорати давлат фаолиятининг бошқа шаклларида ўзининг қонунбузилишга нисбатан муносабат билдириш шаклларида кўра фарқ қилади¹.

“Прокурор назорати” тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, В.Д.Ломовскийнинг прокурор назоратига оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари қаторига давлатни, қонун чиқарувчи олий идорани, ҳокимиятнинг бошқа органлар қаторида ички ишлар органларини, қонунни бузувчи шахсларни, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш борасида прокурор мурожаат этадиган юқори турувчи идора ва шахсларни ҳам киритиши диққатга сазовор². Бизнингча унинг мазкур позицияда ўзига хос ижобий мантиқ мавжуд.

Шу жиҳатдан қаралганда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу назорат вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни

¹ Прокурорский надзор в Российской Федерации. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. – М.: «Сентябрь», 2015. – С. 18, 29-32.

² Ломовский В.Д. Прокурорско-надзорные правоотношения. – Ростов-на-Дону, 2017. – С. 52-53.

тарбиялаш, таълим бериш учун масъул бўлган органлар томонидан қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ифодаланади.

Ушбу соҳада, яъни вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети бўлиб, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, корхона, муассаса, ташкилотлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, уларни ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат идораларининг, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, профилактика билан шуғулланувчи давлат органлари, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг риоя этилиши ҳисобланади.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилмаган бўлса ҳам амалиётда вертикалликка кўра барча прокуратура ходимлари шуғулланишади. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини қандай тарзда амалга оширилаётгани, ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллеж (техникум)ларда вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, болалар шифохоналари, спорт-соғломлаштириш мактаблари, оромгоҳларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, вояга етмаганларга тааллуқли бўлган жиноят ишлари юзасидан алоҳида назорат ишларини юритилиши, уларнинг жиноят ишлари бўйича қонун талаблари асосида эҳтиёт чораси қўллаш масаласи, уларни қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва имтиёзларига дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги, педагог ва психологлардан фойдаланилаётганлиги, уларга

таалуқли жиноят ишлари бўйича барча жиноят ишларида прокурорнинг иштирокини тўлиқ таъминланиши, ҳокимиятлар ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги васийлик ва хомийлик органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ ва бир хилда, қонунда кўрсатилган муддат ва тартибларда амалга оширилаётганлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётганда, уларнинг меҳнат ва бошқа қонунчиликларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилмаслигини таъминлаш ушбу соҳадаги прокурор назоратининг вазифаси ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган бўлиб, ҳудудий прокуратураларда Прокурорнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси) лавозими белгиланган.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси бўлиб амалдаги соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 31 августдаги 138-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи муҳим соҳавий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур буйруқ билан бошқарманинг асосий вазифаси сифатида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш белгиланган. Бундан ташқари бошқарма томонидан:

– вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш, меҳнат муҳофазаси ва бошқа ижтимоий кафолатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси;

– вояга етмаганларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига тўлиқ жалб этилиши;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий ҳаракатлар профилактикасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

– вояга етмаганларнинг уй-жой ва мулкӣ ҳуқуқлари амалга оширилишини ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқӣ ҳимоясини таъминлаш йўналишларида соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳам назарда тутилган.

Ушбу соҳада прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки прокурорда ўз ваколати доирасида унинг ҳудудида қанча вояга етмаган шахслар борлиги, туғилиш ва болалар ўлимининг аҳволи, болаларнинг касалланиши динамикаси ва уларнинг олдини олиш юзасидан прокурор назоратини ташкил этиш ҳамда тегишли прокурор таъсир чораларини қўлланишини таъминлаш, мактабгача таълим муассасалари ва ундаги тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумотлар, шу муассасалардаги коммунал хизмат, электр, сув, иссиқлик, озиқ-овқат билан таъминлаш, катта йўллар ёнида жойлашган мактаблар ва бошқа вояга етмаганлар муассасалари ёнида йўл-транспорт ҳодисаси рўй бермаслиги юзасидан тегишли чора ва тадбирларни белгилаш ҳақида барча маълумотлар бўлиши лозим. Шунингдек, бунда ўқишдан ва фойдали меҳнатдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлиги масалаларида шуғулланадиган идоралар фаолияти устидан назоратни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бош прокуратура томонидан мазкур масаладаги ҳолат ўрганилганида, жумладан 2015 йилда таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган 12427 нафар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. 2016 йилда эса уларнинг сони 24320 тага етган¹.

Жойларда прокуратура органлари томонидан ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўтказилган текширишлар таҳлили келтирилган муаммолар ҳақида аниқ тасаввур пайдо қилибгина қолмай, масаланинг туб моҳиятини англаш, муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Мазкур турдаги текширишларда махсус “Давомат” тадбирлари ўтказилиб, таълим муассасаларига ўқувчиларнинг жалб этилмаслиги ҳолатини аниқлашга имкон беради.

С.М.Астановнинг таъкидлашича, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 20%ида жиноят содир этиш вақти вояга етмаганларнинг ўқишда бўлиш пайтига тўғри келса, 80 % ҳолларда эса бу кўрсаткич уларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтига тўғри келади². Бу эса, назаримизда, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган “Давомат” тадбирлари нечоғли муҳим эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда, бизнингча, 2018 ва 2019 йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар кўрсаткичининг пасайишига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, 2018 йилда 1100 нафар вояга етмаган шахс жиноят содир этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 818 нафарни ташкил этган. Шунингдек, 2018 йилда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 302 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 251 нафарни ташкил этмоқда. Ачинарлиси шуки, 2018 йилда вояга етмасдан жиноят содир этганларнинг 459 нафари умумтаълим мактаблари ўқувчилари

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси маълумотлари.

² “Болаларни маънавий ва жисмоний ривожланишида ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Чашма принт, 2017. 24-б.

бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 527 тани ташкил қилмоқда¹. Бу эса мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мавжудлигини кўрсатади.

Энг муҳими, вояга етмаганларга нисбатан юритиладиган жиноят ишларини фақатгина қонун талаблари асосида амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг қонунлар билан белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нафақат ота-онасининг, балки уларнинг васий ва хомийлари, ҳимоячилари орқали ҳам таъминланишини, жиноят ишларидан ташқари фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, суд муҳокамаси чоғида ҳам уларга нисбатан тайинланадиган жазонинг қонунийлигини таъминлашда судларга кўмаклашиш, судларда ва дастлабки тергов чоғида нафақат жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари балки, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси сифатида иштирок этган чоғларида ҳам уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш прокурор фаолиятининг ушбу соҳадаги ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Халқаро стандартларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган жиноят ишлари бўйича ҳимоячи иштироки шартлиги белгиланиши бу уларнинг ҳуқуқлари кафолати ҳисобланади.²

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 139-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси маълумотлари.

² Кенжаев Т., Муллажанов А., Тураханов Д. И другие, Правосудие в отношении несовершеннолетних, Учебно-практические пособие. Ташкент., Lesson press., 2020. – С. 104.

Мазкур буйруқ билан прокуратуранинг вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш соҳасида қуйидаги ҳолларда қонунчиликка риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш белгиланган:

– онаси воз кечган гўдакларнинг жойлаштирилиши ва қарови амалга оширилишида, ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилишида, шунингдек, уларнинг оналарига қайтарилишида;

– вояга етмаганлар меҳнати муҳофазасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши, айниқса уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг алоҳида тартиби, муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши, иш вақтининг белгиланиши ҳамда имтиёзлар тақдим этилишида;

– вояга етмаганларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ёки уларни номақбул шароитли ишларга жалб этилган ҳолатларда ва бошқ.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш жараёнида прокурор ўз таъсир ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий воситалар ёрдамида вояга етмаган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар бузилган тақдирда тегишли чора-тадбирларни кўриш каби вазифаларни амалга ошириши бу соҳада қонун ҳужжатларига оғишмай амал қилинишини таъминлайди.

II БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

2.1. Айрим халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни

Глобаллашув шароитида ҳамда жаҳон мамлакатларининг ўзаро фаол интеграциялашув жараёнида ҳозирги замон ҳуқуқий муносабатларини халқаро ташкилотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли, халқаро ташкилотлар халқаро-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш шакли бўлиши билан бирга, дунё давлатлари, халқлари ва миллатларини яқинлаштириш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги кунда халқаро ташкилотлар кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, давлатлар ушбу воситалар доирасида халқаро муносабатларнинг турли мураккаб масалаларини ҳал қиладилар. Қайд этиш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тизимлар ишида фаол иштирок этиб, халқаро ҳамжамият олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Халқаро ташкилотлар нафақат давлатларнинг ирода ва манфаатларини ифодаловчи майдон сифатида, балки мустақил факторлар (халқаро ҳуқуқ субъектлари) ¹ сифатида халқаро муносабатларнинг турли шаклларида иштирок этишмоқда. Бу борада В.И.Маргиевнинг таъкидлашича, “халқаро тизимнинг таркибий қисми бўлган халқаро ташкилотлар, давлатлар билан бир қаторда, норма ижодкорлиги ҳамда у билан боғлиқ кодификация ва назорат

¹ Одиқориев. Х. Т, Очилов. Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 72.

функцияларини амалга ошира бориб, жаҳон тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадилар”¹. Негаки, халқаро ҳуқуқ норма ижодкорлигида халқаро ташкилотлар, аввало БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари резолюциялари ҳамда қарорлари катта аҳамиятга эга². Бироқ, қайд этиш керакки, халқаро ташкилотларнинг резолюцияларининг давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг хусусиятлари ва механизми ҳақидаги масала ҳам бугунги кунга қадар кам тадқиқ этилган.

Бугунги глобаллашув ва янги дунё тартиботлари ўрнатилаётган, халқаро ташкилотларнинг фаолият соҳалари кенгайиб ҳамда долзарблашиб бораётган бир даврда ушбу ташкилотларга аъзо давлатлар томонидан улар қабул қилган резолюцияларни тан олинishi ва қўллаши уларни илмий жиҳатдан англашни, шунингдек, халқаро резолюцияларнинг тинчлик ишига, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъминлашни талаб этмоқда.

Ўз навбатида, биз тадқиқ этаётган мавзу доирасида айрим халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳар бир мамлакатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишига кўмаклашиш ва унга ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам беришда намоён бўлади.

БМТ, Бола ҳуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси, БМТнинг Болалар фонди, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва бошқа шу каби халқаро ташкилотлар халқаро майдонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг ихтисослашган халқаро муассасалари Бола ҳуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси, БМТнинг Болалар фонди, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз фаолиятлари доирасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида фаолият олиб боради.

¹ Маргиев В.И. Правотворчество международных организаций. – Майкоп, 2008. – С. 46.

² Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006. – Б. 66.

Бизнингча, тадқиқот иши ҳажмига нисбатан қўйилган талабдан келиб чиқиб, ихтисослашувига кўра БМТнинг Болалар фонди – ЮНИСЕФ фаолиятига батафсилроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ЮНИСЕФ ўз фаолияти доирасида мамлакатнинг ёш фуқаролари ғамхўр ва дўстона жамиятда вояга етиши, ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширади. Унинг фаолияти асосий мезони – аъзо дунё давлатларидаги болаларнинг ҳимояланиши, уларнинг эҳтиёжлари қондирилиши ҳамда уларнинг салоҳиятини намоён этишга барча шароитлар мавжудлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиш ҳисобланади.

ЮНИСЕФ ўз фаолиятини БМТнинг Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси асосида амалга ошириб, барча мамлакатларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя этиш амалиётини миллий қонунчиликка сингдиришга ҳаракат этади¹.

Ўзининг ҳамкорлик дастурлари доирасида ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукумати билан ҳамкорликда 1994 йилдан бери жойларда болалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, оилавий аҳволини яхшилаш каби соҳаларда ёрдам бериб келмоқда.

Бугунги кунда Саша Грауманн 2016 йил октябр ойидан бери Ўзбекистон Республикасида ЮНИСЕФ вакили сифатида фаолият олиб бормоқда.

ЮНИСЕФ ўзининг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида она ва болаларнинг саломатлиги, улар орасидаги ўлиш даражасини камайтириш, ушбу соҳада энг юқори андозаларнинг жорий этилиши, она ва болалар озикланиши борасидаги энг илғор тажрибаларни ҳаётга тадбиқ қилиш, ОИВ юқтирилишининг олдини олиш, гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш каби масалалар миллий қонунчиликда ўзининг аксини топиши, шу

¹ БМТ Болалар фондининг миссияси. <http://www.un.org/uzb/pages/display/unicef>

соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шунингдек, ЮНИСЕФ Ўзбекистонда ҳар бир бола ғамхўр муҳитда тарбияланиши, таълим олиши ва ривожланишини таъминлашга интилади. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматини мамлакатда бошланғич таълим, мактабгача таълим тизимларини янада такомиллаштиришда, болаларни барча турдаги зўровонликлардан ҳимоялашда, уларнинг ҳуқуқларини илгари суришда ҳамкорлик қилади.

Қайд этиш керакки, ЮНИСЕФ болалар ҳуқуқларининг бажарилиши, ҳимоя қилинишини таъминловчи махсус кузатув тизимини яхшилашда ҳам Ўзбекистон Ҳукуматини қўллаб-қувватлайди, мамлакатда болаларни ҳимоялаш, уларга ғамхўрлик қилиш маданиятини янада юксалтиришга интилади.

Жорий 2016-2020 йилларга мўлжалланиб тузилган ҳамкорлик дастури доирасида Болалар фонди Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир она ва ҳар бир боланинг ҳуқуқи, фаровонлигининг муҳофаза қилинишини таъминлашга интилади. ЮНИСЕФ дастури БМТнинг Мингйиллик тараққиёт дастури, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияда белгиланган мақсад ва вазифалар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш мақсадида ЮНИСЕФ кўп қиррали стратегияни олиб боради. Тегишли сиёсат ва қонунчиликни ишлаб чиқишда техникавий кўмак бериш, барча болалар учун хавфсиз муҳитни яратиш учун турли мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш, бола ҳимояси бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш шулар жумласига киради.

ЮНИСЕФ экспертларининг фикрича Ўзбекистонда вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тизимининг таркибий қисмлари институционал даражада бўлишига қарамасдан, кадрларнинг етишмаслиги,

молиялаштиришнинг етарли эмаслиги ва идоралараро мувофиқлаштиришни йўқлиги туфайли самарали фаолият кўрсатмайди.

Шунингдек, экспертлар мамлакатда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зўравонлик, шафқатсиз муносабат, бепарволик ёки тасодифий шикастланишга дучор бўлган болалар ҳар доим ҳам тегишли ҳимоя хизматларини олмаслигини ва кўпинча махсус муассасаларга жойлаштирилмаслигини таъкидлайди.

Кейинги йилларда ЮНИСЕФ Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги болаларни ҳимоя қилиш тизимини баҳолади ва болаларни ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш учун асос яратди. Ислоҳотлар бўйича Ижтимоий Ишлар Департаментини ташкил қилиш Ўзбекистон Миллий университетида ихтисослашган ижтимоий иш бўлимини ташкил этишда намоён бўлди. ЮНИСЕФ ўқитувчиларнинг ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш шаклида техник ёрдам кўрсатди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда олиб борилаётган қонунчилик ислоҳотлари бўйича идоралараро экспертлар гуруҳи жиноят ва фуқаролик-процессуал кодексларига жабрланган болалар ва гувоҳ болаларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум этишни муқобил усулларни кенгайтиришни ўз ичига оладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Мазкур фонднинг васийлик тизимидаги ислоҳотлари ҳам салмоқли бўлиб, улар қуйидагиларда акс этган:

- болалар ўз оилаларида яшашлари ва уларни имкон қадар ихтисослаштирилган васийлик муассасаларига жойлаштириш;
- меҳрибонлик уйлари ва интернатларда яшаётган болалар имкон қадар ўз ота-оналари ёки қариндошларининг бағрига қайтишларига эришиш;
- фақат ўз манфаатларини кўзлаб болаларни ота-оналаридан ажратиб қўйишга йўл қўймаслик ва бошқ.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ болаларга оилавий васийлик қилинишининг муқобил шаклларида фойдаланиш, шу жумладан асраб олиш,

патронат ва болани ўғай (фостер) оилада тарбиялаш тажрибасини тарғиб қилади.

Қайд этиш керакки, ЮНИСЕФ мамлакатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида қуйидаги устувор вазифаларни белгилайди:

– болаларни ҳимоя қилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва ноинституционаллаштириш бўйича комплекс стратегияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон ҳукуматига кўмаклашиш ва бунда 3 ёшгача бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратиш;

– меҳрибонлик уйлари ва бошқа васийлик ташкилотларига топширилишининг олдини олиш мақсадида оила ва маҳалла даражасида болаларни ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган касбий кўникмалар ва профилактик ишларни ривожлантириш, қийин аҳволга тушиб қолган оилаларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш учун маҳаллаларда тегишли хизматларни ташкиллаштириш;

– оилавий васийликнинг муқобил шаклларини ривожлантириш, шу жумладан болаларни ўғай оилаларга жойлаштириш ва бола қилиб олиш;

– меҳрибонлик уйларида ва бошқа давлат васийлик муассасаларида яшашлари уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ва болаларни оилада тарбиялаш лозимлиги тўғрисида маҳаллалар аҳолисининг хабардорлигини ошириш;

– ўз оилаларига қайтарилган болаларга муқобил ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ёки уларни ўз ота-оналарига қайтаришнинг иложи бўлмаса, маъқул шаклдаги муқобил васийликни тақдим этиш учун ихтисослашган болалар муассасалари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш¹.

Бундан ташқари ЮНИСЕФ мамлакатда болаларни ҳимоя қилиш бўйича шакллантирилган ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам

¹ <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/biz-nima-qilamiz>

бермоқда, бу эса ўз навбатида қонунчиликка ўзгартишлар киритиш ва турли хизматлар фаолиятини яхшилашни тақозо қилади. Бу борадаги ишларнинг мақсади хатар ҳолатига дуч келган ёки шафқатсиз муомала ва зўравонликнинг турли шаклларига учраётган болаларни ҳар томонлама ҳимоя билан таъминлаш ҳамда бу каби ҳолатларнинг олдини олишдан иборат. Бунга болалар ва уларнинг оилалари билан иш олиб бораётган ижтимоий ва бошқа хизматлар мутахассисларининг касбий маҳоратларини ошириш, шунингдек, болалар давлат васийлик муассасаларига жойлаштирилишига йўл қўймаслик учун профилактик ишларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

биринчидан, болаларга шафқатсиз муомала қилинишини камаййтириш ва олдини олиш, болаларни ҳимоя қилиш хизматлари фаолиятидан баҳраманд бўлишни яхшилаш ва ижтимоий иш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган комплекс стратегия ва ҳаракатлар режасини қабул қилиш;

иккинчидан, болаларни ҳимоялаш учун масъул бўлган шахслар, шу жумладан ижтимоий ходимлар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратларини ошириш;

учинчидан, боланинг хавфсиз ва меҳрибон оила муҳитида тарбияланиш ҳуқуқини таъминловчи сиёсат ва таомилларни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, ҳақиқий маълумотлар асосида режалаштиришни такомиллаштириш мақсадида болаларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ахборот ҳажмини ошириш;

бешинчидан, болаларни ҳимоя қилиш секторининг самарадорлиги ва натижаларини ошириш учун турли идора ва ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлашувни яхшилаш.

ЮНИСЕФ суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида ҳам ўз позициясини билдириб, 18 ёшгача бўлган шахслар ҳибсда катталардан алоҳида сақланишига риоя этилиши ва уларни сақлаш шароитлари халқаро стандартларга бутунлай мос бўлиши учун тегишли чораларни кўриш лозимлигини таъкидлайди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Шу ўринда ХМТнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишидаги фаолияти сифатида унинг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида, шунингдек болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тўғрисида, болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг оғир шаклларига барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора–тадбирлар кўришда, шунингдек аъзо давлатларга бу ҳақда тегишли тавсиялар беришда ифодаланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, глобализация ўзаро фаол интеграциялашишни тақозо этар экан, халқаро ташкилотлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда илғор ва ривожланган давлатлар тажрибасини оммалаштириш жаҳон давлатларини ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилади.

2.2. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар резолюцияларининг аҳамияти

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар бугунги кунда иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларидаги ҳамкорликнинг муҳим ва асосий шаклидир.

Мамлакатимиз дунё ҳамжамияти билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда. Ўзбекистон ҳозирда дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган ва 100 дан зиёд халқаро ташкилот аъзосидир. Улар орасида айниқса БМТ, ШХТ, МДХ, ЕХХТ ва ЕИ каби нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларни тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Глобализация шароитида халқаро ташкилотлар фаолиятининг самарадорлиги қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш, турли муаммоларни кенг доирада ҳал қилиш имконияти ва бошқа омиллар билан изоҳланади.

БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар ўзларининг ҳуқуқ лаёқатини халқаро оммавий ҳуқуқ манбаларини яратиш ҳисобидан амалга оширади. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги функцияси икки шаклда амалга оширилиши мумкин:

- улар давлатларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида қатнашади;
- халқаро муносабат иштирокчиларининг мажбурий-ҳуқуқий қоидаларини ўзлари бевосита шакллантиради.

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлигининг уч асосий тури фарқланади: а) халқаро ташкилотлар томонидан халқаро битимлар тузиш; б) ташкилот фаолиятининг асосий масалалари бўйича аъзо мамлакатлар ҳуқ-атворини белгиловчи қарорлар қабул қилиш ёки ташқи тартибга солиш; в) ички ташкилий масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ёки ички ҳуқуқни яратиш. Шундай қилиб, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари турли хусусият ва кучга эга бўлиши мумкин.

Айтиш лозимки, халқаро ташкилотларнинг иш жараёнида давлатларнинг хоҳиш-иродалари мувофиқлаштирилади, янги нормаларга эҳтиёж ва уларни яратиш имкониятлари (шу жумладан, кўп тарафлама шартномалар тузиш йўли билан) аниқланади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини бошлаш учун замин ҳозирланади. Баъзан ташкилот ўз резолюцияларида шартномаларда мужассамланиши лозим бўлган тамойиллар ва нормаларни ҳам белгилайди.

БМТ тизимидаги ҳукуматлараро ташкилотларнинг уставларига мувофиқ барча ташкилотлар халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга, шунингдек халқаро муносабатларни ўзларининг резолюциялари воситасида тартибга солиш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотлар резолюцияларининг аҳамияти хусусида сўз юритишдан олдин “резолюция” тушунчаси мазмунини аниқлаштириш лозим.

Қайд этиш керакки, халқаро ташкилотларнинг давлатлараро муносабатларга оид резолюциялари (қарорлари ва тавсиялари)нинг аҳамияти

ҳақидаги масала ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Бу ҳуқуқий актлар гуруҳининг таҳлили атамаларнинг маъносини аниқлаштиришдан бошланади¹.

Резолюция (лотинча *resolutio* – қарор, тўхтам, ҳал этиш, бартараф этиш) – тегишли шахслар ёки халқаро ташкилотлар кенгаш органи қабул қилган келишув, қароридир². Бунга БМТ Бош Ассамблеяси ёки ЮНЕСКО Бош Конференцияси кенгаш органи қабул қилган келишув, қарорни мисол келтириш мумкин.

Халқаро ҳуқуққа оид адабиётларда “резолюция” ваколатли орган аъзолари бўлган давлатларнинг ушбу ташкилот процедураси ва низомининг қоидаларига мувофиқ келишилган равишда хоҳиш билдириши сифатида таърифланади³.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар резолюцияси термини халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган барча турдаги ҳуқуқий актларни қамраб олади. Ҳуқуқшуносликнинг умумий назариясига мувофиқ, ҳуқуқий акт терминини зарурий ҳолат деб аниқлаш мумкин.

Бошқача айтганда ҳуқуқий актлар бу оғзаки шаклдаги ҳужжат; томонларнинг ихтиёрий розилиги; баъзи ҳолатларда биринчидан, ҳуқуқ нормасининг манбалари; иккинчидан, ҳуқуқни шарҳлаш актлари; учинчидан, ҳуқуқни қўллаш актлари; тўртинчидан, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш актларидир.

Халқаро ташкилотларнинг резолюцияси атамаси барча турдаги ҳуқуқ актларини ўз ичига олади яъни: ҳуқуқ манбаи, ҳуқуқни шарҳлаш акти ёки ҳуқуқни қўллаш акти бўлиши мумкин. Айнан қайси эканлигини резолюциянинг маъносидан англашилади⁴.

¹ Нешатаева Т. Н. международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. 2-е изд. – М.: Дело, 2009. – С. 91.

² <http://zakony.com.ua/lawbase.html?catid=8554>

³ Международное право: Учебник / Отв. ред. Ю.М. Колосов, Э.С. Кривчикова. – М.: Международные отношения, 2001. – С. 228.

⁴ Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно – правовом регулировании. 2-е изд. – М.: Дело, 2009. – С. 93.

Резолюция ҳуқуқ манбаи, ҳуқуқни талқин этиш ва қўллаш актлари бўлсада, сўнгги вақтларда халқаро ташкилотлар амалиётида “резолюция” тушунчаси устунлик қилмоқда.

БМТ тизимининг халқаро ҳукуматларааро ташкилотлари резолюцияларининг таҳлили уларнинг турли-туманлигини ўрганишни талаб қилади. Улар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни нуқтаи назаридан юридик жиҳатдан мажбурий ва тавсия хусусиятига эга қарорларга бўлинади. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши икки хил юридик ҳужжатлар қабул қилиши мумкин: 1) тавсиялар, яъни давлат ўз фаолиятида риоя этиши таклиф қилинадиган муайян усул ва таомилларни назарда тутувчи ҳужжатлар; масалан, “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга оид БМТ қоидаларининг минимал стандартлари”нинг лойиҳасини ишлаб чиқишнинг якуний босқичи сифатида 1984 йил 14-18 май кунлари Пекинда БМТ нинг VII Конгрессида қабул қилинган “Пекин қоидалари” номли резолюцияда: “... зарур ҳолларда ўз миллий қонун ҳужжатларини, сиёсатини ва амалиётини, айниқса, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлашда Пекин қоидаларига мослаштириш ва ушбу қоидаларни тегишли органлар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига етказиш” тавсия этилади. 2) бажарилиши БМТга аъзо бўлган барча давлатларнинг мажбурлов кучи билан таъминланувчи юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар. Хавфсизлик Кенгаши қабул қилувчи тавсилар ва мажбурий қарорларнинг асосий шакли резолюциялардир. Ҳозиргача 700 дан ортиқ резолюция қабул қилинган.

Қайд этиш керакки Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга бағишланган алоҳида бобни шакллантиришда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989), Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид

БМТ қоидалари (1990) ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар резолюциялари талаблари инобатга олинган.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд. Улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли “Пекин қоидалари” деб ҳам юритилади. Унда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган. Пекин қоидалари турли ҳуқуқ тизимларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган, шу билан бирга, унда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари, жиноий жавобгарликка тортиш ёши жуда ҳам кичик бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Ушбу қоидаларда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида қуйидагилар белгиланган:

- вояга етмаганларнинг муносиб келажагини таъминлаш;
- таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлиги;
- вояга етмаганларга нисбатан муайян турдаги жазо чораларининг қўлланилишининг чекланганлиги кабилар киради.

“Пекин қоидалари”да суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махфийлик сақланиши қоидасини мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилишга уринишлар мавжуд. Шунингдек, мазкур қоидалар вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида тугатиш имконини кўзда тутди. Жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал қилишда вояга етмаганга нисбатан ҳеч қандай таъсирнинг бўлишига йўл

кўйилмайди, ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланиши тақиқланади. Шунингдек, шахсни озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларнинг муддати эса минимал даражага туширилиши керак. Бизнингча, озодликдан маҳрум қилишда вояга етмаганни бирор-бир муассасага жойлаштиришгина эмас, ҳатто уларни махсус таълим муассасаларига жойлаштиришни ҳам охириги чора сифатида қараш устувор аҳамият касб этиши керак.

ЖПК 547-моддасига биноан, жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига оид ишлар алоҳида иш юритуви тартибида кўрилади, ЖК 17-моддасига кўра эса жиноий жавобгарлик минимал ёши 13 ёшни ташкил этади. Шунингдек, айрим жиноятлар учун 14 ёшдан, баъзилар учун эса 16 ёшдан жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Шуни қайд этиш лозимки, хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етиш ёши турлича белгиланган. Қонун вояга етмаганликни умумий тушунча сифатида тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш билан боғлайди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгиловчи умумий қоидалар кўрсатилган. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 18 ёшгача, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшни ўз ичига олади. Болгария, Венгрия, Германияда жиноий жавобгарлик ёши 14 ёшдан; Греция ва Францияда 13 ёшдан, АҚШда штатлар қонунчилигига кўра 10 дан 17 ёшгача вужудга келади. Европа давлатларининг кўпчилигида вояга етиш 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда эса 20 ёшдан ҳисобланади.

Аксарият давлатлар жиноят қонунчилигида, хусусан, Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон ва Украина давлатларида ҳам жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошланади.

Шу сабабдан ҳам миллий жиноят қонунчилигига жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишнинг минимал ёш 14 ёш этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

ЖПКга мувофиқ, вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни юритиш ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бундай турдаги ишларни юритишда дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида умумий тартибда иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни), унинг шахсига хос хусусиятлар ва саломатлиги ҳолати, унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги ҳам исботланиши лозим. Ушбу ҳолатларнинг белгиланиши “Пекин қоидалари” талабларига мос бўлиб, жиноятнинг аниқ сабабларини топиш, болага нисбатан ёш ва ақлий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг халқаро ҳамкорлик ва халқаро ёрдамнинг бош устувор тамойили сифатида болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг ёмон шакллариغا барҳам бериш учун болалар меҳнати бўйича асосий ҳужжат бўлиб келган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 1973 йил 26 июндаги 138-конвенциясини 2008 йил 4 апрелда ратификация қилди. 1999 йил 17 июндаги ХМТ нинг “Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тўғрисида”ги 182-конвенцияни эса 2008 йил 8 апрелда ратификация қилди. Конвенциянинг 1-моддасига кўра, “ушбу конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг оғир шакллариغا барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўради”, деб белгилаб қўйилган.

Тавсия кўринишидаги резолюциялар кўпинча дастлабки қоидалар бўлиб, пировардида умумий ҳуқуқнинг одат нормаларига айланади. Бундан ташқари, тавсия кўринишидаги резолюцияларнинг қоидалари шартнома нормаларига айланиб, халқаро ҳуқуқдан ўрин олади. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар

мажмуаси, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатларнинг яратилишида муҳим роль ўйнади. Юқорида айтилганлар БМТнинг ихтисослашган муассасалари: ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва бошқаларга ҳам тегишли¹.

П.Н. Бирюков қарашича, норматив резолюцияларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- мазкур ташкилот органлари учун мажбурий қоидаларни юкловчи;
- ҳавола қилувчи даражасидаги халқаро шартномалар юридик мажбурият мақомини олади ёки давлат ички қонунчилиги².

Жумладан, шундай резолюциялардан бири бу БМТнинг маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Мандела қоидалари)дир³.

БМТнинг 1955 йилдаги жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга оид биринчи Конгрессида қабул қилинган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалар (МСҚ) маҳбусларни қамоқда сақлаш юзасидан универсал эътироф этилган минимал стандартлар ҳисобланади ҳамда бутун дунёда пенитенциар муассасалар билан ишлашга доир қонунлар, сиёсат ва амалиётни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан катта аҳамият ва таъсирга эга.

Минимал стандарт қоидаларнинг қайта кўриб чиқилган матни 2015 йил 17 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида А/RES/70/175-сон резолюция тарзида бир овоздан қабул қилинди. Қайта кўриб чиқилган Қоидалар Жанубий Африканинг мархум президенти ва умрининг катта қисмини қамоқда ўтказган Нельсон Ролихлахл Мандела меросига ҳурмат белгиси сифатида “Нельсон Мандела қоидалари” номи билан машҳур.

¹ Раҳимова.М. Халқаро ҳуқуқ. Тошкент: “Академия”, – 2005. – Б. 31-32.

² Бирюков П.Н. Международное право: Учеб. пособие. – М.: Юрист, 2008. – С. 24.

³ https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2019/07/Nelson-Mandela-Rules_Uzbek-Language.pdf

Мазкур Мандела қоидаларига кўра вояга етмаганлар ишлари бўйича судларнинг ваколатига кирадиган барча ёш маҳбусларни ёш болалар тоифасига киритиш зарур. Одатда, бундай ёшларни қамоқда сақлашга ҳукм қилмаслик лозим. 11-қоидага кўра эса Ҳар хил тоифадаги маҳбуслар алоҳида муассасаларда ёки айни бир муассасанинг турли қисмларида уларнинг жинси, ёши, аввал судланганлиги, уларни қамоққа олишнинг юридик сабаблари ва тайинланган режим турини инобатга олган ҳолда сақланади. Бунда вояга етмаган ҳуқуқбузарларни катталардан алоҳида сақлаш зарур (d банди). Шунингдек, жисмоний машқлар ва спортга оид 23-қоидага мувофиқ жисмоний ҳолати яроқли бўлган вояга етмаган ва ёш маҳбусларга жисмоний машғулот билан шуғулланиш ва машқлар вақтида ўйнаш имкониятини бериш зарур. Бунинг учун зарур майдончалар, қурилмалар ва ускуналар бўлиши керак.

А.Х. Саидов БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияларини юридик кучи бўйича уч гуруҳга бўлади:

Биринчи гуруҳ: БМТ Бош Ассамблеясининг мажбурий юридик кучга эга бўлган резолюциялари. Бундай резолюциялар қаторига БМТга янги аъзо давлатларни қабул қилиш ёки аъзоларини муайян ҳуқуқ ва имтиёзларини тўхтатиш ёхуд бюджет масалалари тўғрисидаги резолюцияларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ: давлатлар ҳаракати учун ҳуқуқий асос бўлувчи резолюциялар. БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари аъзо давлатлар учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқариши мумкин. БМТнинг бундай резолюцияси ҳар қандай аъзога резолюция асосида ҳаракат қилиш ҳуқуқини берса, бошқа давлатларга ушбу ҳаракатларнинг ҳуқуқийлигини тан олиш мажбуриятини юклайди.

Учинчи гуруҳ: БМТ Бош Ассамблеясининг сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга молик резолюциялари. Бундай резолюциялар юридик мажбурий кучга эга эмас ва тавсиявий хусусият касб этади. Шунинг учун улар халқаро ҳуқуқ нормалари эмас. Албатта, БМТ Бош Ассамблеясининг

резолуцияларини бажармаган аъзо давлатларга нисбатан муайян чоралар кўрилиши мумкин, яъни давлатларни ўз резолуцияларини бажаришга чақириши ёки махсус кўмита (масалан, деколонизация бўйича кўмита) тузиши мумкин. БМТнинг бундай чоралари ўз мазмуни жиҳатидан юридик санкцияларга яқиндир¹.

Халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларни тартибга солишнинг самарали воситаси бўлиб, уларнинг қарор ва резолуциялари асосида давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Халқаро ташкилотлар резолуцияларининг охириги мустақил турини айнан мажбурий (норматив) резолуциялар ташкил қилади. Уларнинг юридик жиҳатдан мажбурий хусусияти ва манбавий тааллуқлилиги халқаро ташкилотнинг таъсис (низом) ҳужжатларидаги қоидалардан бевосита келиб чиқади ҳамда асосан халқаро ташкилотнинг олий (бош) органларига тааллуқли бўлади.

Мажбурий резолуцияларни халқаро ташкилот таъсис (низом) ҳужжати асосида ва таъсис (низом) ҳужжатида халқаро ташкилот органи резолуциясининг юридик жиҳатдан мажбурий хусусияти белгилаб қўйилган масалалар бўйичагина қабул қилиши мумкин. Бошқа масалалар бўйича халқаро ташкилот органи мажбурий резолуциялар қабул қилиш ваколатига эга эмас².

Шу жиҳатдан БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган “Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТ Қоидалари” 45/113 сонли резолуция ҳам диққатга сазовор. Унга кўра вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими уларнинг ҳуқуқ ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши ҳамда рисоладаги жисмоний ва ақлий ҳолатда бўлиши лозим. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо охириги чора сифатида қўлланилиши керак.

¹ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006. – Б. 61.

² Раҳманов Ш.Н. Халқаро ташкилотлар резолуцияларининг халқаро ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олинishi: Автореф. юрид. фан. ном....дис. – Тошкент, ЖИДУ, 2007. – Б. 15.

Шунингдек, мазкур резолюциянинг 2-бандига биноан вояга етмаган шахсларни озодликдан маҳрум этишда мазкур Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТ Қоидалари ҳамда “Пекин қоидалари” принциплари ва тартиб-таомилларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Вояга етмаганга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги тури ҳамда жазо тайинлашда инобатга олинadиган шарт-шароит ва ҳолатдан келиб чиқиши шарт. Жазонинг ўташ муддатини белгиланаётганда суд жазодан муддатидан олдин озод қилиш имкониятини чекламаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва унинг бир қатор ихтисослашган муассасаларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ташкилотлар қабул қилган қарор ва стандартларни ўз ички ҳуқуқ тизимига тадбиқ этиб келмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция” ва уни тўлдирувчи “Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол”га мувофиқ, одам савдосига қарши курашиш унга аъзо давлатларнинг мажбуриятига киради.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси”ни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинганлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур.

Юқорида қайд этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги¹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги ҳам жиноят қонунига болалар савдоси учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган

¹ Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги қонун, 2008 йил, 17 апрель, №ЎРҚ – 154 (Ахб. №4, 190 – м.)

халқаро стандартларга мос тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо қилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар деб эълон қилинган. Боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этиб 1989 йил 20 ноябрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция қабул қилинди. Ушбу конвенция Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори билан тасдиқланиб, болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, 2008 йил 8 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”¹ ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг халқаро ҳамкорлик ва халқаро ёрдамнинг бош устувор тамойили сифатида болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг ёмон шакллариغا барҳам бериш учун болалар меҳнати бўйича асосий ҳужжат бўлиб келган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида” ги 1973 йил 26 июндаги 138-Конвенциясини 2008 йил 4 апрелда ратификация қилди. 1999 йил 17 июндаги ХМТнинг “Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тўғрисида” ги 182-Конвенцияни эса 2008 йил 8 апрелда ратификация қилди. Конвенцияга кўра уни ратификация қиладиган ХМТнинг ҳар бир аъзоси болалар меҳнатини таъқиқлаш ва унинг энг оғир шакллариغا барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўради. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексининг 77-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилиб, унга биноан, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш 15 ёш этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

¹ Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 2008 йил, 7 январь, № ЎРҚ – 139 (Ахб, №1, 1 – м.)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятининг кенг кўламли интеграциялашуви жараёнида иштирок этар экан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан резолюцияларда белгилаб қўйилган ўз зиммасидаги мажбуриятларини таъминлайди. Бу борада халқаро стандартларни миллий қонунчиликка мувофиқлаштириб боради.

III БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳақидаги стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалалари

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, иқтисодий интеграциялашувнинг жадал суръатларда юз бераётганлиги ҳар бир давлат миллий манфаатларини халқаро майдонда ифодалаш ва ҳимоя қилишнинг сифат жиҳатидан янги вазифалари пайдо бўлаётган бир шароитда халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан мониторингни олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси 200 дан зиёд халқаро шартномаларга қўшилган. Шунингдек, хорижий давлатлар билан бир неча мингта икки томонлама шартномалар, шу жумладан, давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар тузилган.

Маълумки, давлатлар томонидан нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олиш ва уларни ички ҳуқуққа татбиқ этиш – имплементация қилиш муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий характер касб этади. Бундай татбиқ этиш ҳуқуқни қўллашнинг халқаро ҳамда миллий усуллари, воситалари билан амалга оширилади.

“Имплементация” тушунчасига тўхталганда, у лотинча *impleo* сўзидан олинган бўлиб, “тўлдириш”, “бажариш” маъносини билдиради ҳамда ҳуқуқий истилоҳда давлат томонидан халқаро ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш, бажариш маъносида қўлланилишини таъкидлаш лозим. Имплементация қилиш усуллари ва воситалари уни амалга ошираётган давлат манфаати нуқтаи назаридан ва ўрнатилган қонунчиликка асосланган тартибда амалга оширилади. Бироқ, бунда имплементация қилинаётган ҳуқуқий муносабат нормаларини миллий қонунчиликка сингдиришнинг реал ижтимоий зарурати мавжудлиги тақозо қилинади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа кириб келиш жараёни халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига айланишини кўзда тутган ҳолда, одатда бундай ҳуқуқий ҳодиса *трансформация* деб аталади. Бунда халқаро-ҳуқуқий норма ўз мазмунини сақлаб қолса-да, унинг шакли баъзан ўзгаради. Шу боис, бу ўринда имплементация, яъни халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига кириб келиши ҳақида сўз боради¹.

Трансформация давлатда махсус қонун чиқариш ёки ушбу давлат ҳудудида халқаро шартнома кучда эканини ва барча шахслар унинг талабларига риоя этишга мажбур эканини қонунлар асосида эълон қилиш йўли билан рўёбга чиқарилиши мумкин. Шундай нуқтаи назар маълумки, унга кўра давлатнинг халқаро шартномани ратификация қилиш ёки маъқуллаш факти унинг миллий қонунчилиги ажралмас бўлагига айланиши билан тенгдир. Халқаро ҳуқуқ назариясида бу ёндашув (рецепция) кўпинча давлатнинг ички ҳуқуқий ҳужжатларида халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ифодасининг аниқ баён этилишини белгилаш мақсадида қўлланади. Баъзан рецепция деганда, давлатнинг миллий қонунчилик ёрдамида ўз халқаро мажбуриятларини бажаришини таъмин этиши тушунилади.

Биз қуйида вояга етмаганлар ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳақидаги стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласига тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари мустақилликка эришган илк даврдаёқ миллий қонунчиликка жорий қилина бошлади. Жумладан, бутун дунёда “Бола ҳуқуқлари Конституцияси” деб ном олган БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция

¹ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006. – Б. 121.

мамлакатимиз парламенти томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган¹.

Мазкур конвенциянинг 12-моддасида болага оид бўлган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида бевосита вакил ёхуд тегишли орган томонидан миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрини эшитиш орқали унга қўйилаётган айб бўйича ота-онаси ёки қонуний васийси орқали кечиктирмасдан ўзининг ҳимоясини тайёрлашда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш каби кафолатлар кўрсатилган².

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 14-моддасининг тўртинчи бандида “Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларнинг қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиши лозим”лиги қайд қилинган³.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга бағишланган алоҳида бобни шакллантиришда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989), Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид БМТ қоидалари (1990) ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар талаблари инобатга олинган.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд. Улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг якуний матни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарори. 1992 йил 9 декабрь, 757-ХП-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 41-модда.

² Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Т.: UNICEF Uzbekistan, 2014. Б.15.

³ Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 2017.-С.69.

Пекиндаги кенгашда тасдиқлангани учун “Пекин қоидалари” деб ҳам юритилади. Унда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган. Пекин қоидалари турли ҳуқуқ тизимларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган, шу билан бирга, унда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари, жинсий жавобгарликка тортиш ёши жуда ҳам кичик бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Унда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида қуйидагилар белгиланган: *вояга етмаганларнинг муносиб келажagini таъминлаш; таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлиги; вояга етмаганларга нисбатан муайян турдаги жазо чораларининг қўлланилишининг чекланганлиги* кабилар киради.

“Пекин қоидалари”да суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махфийлик сақланиши қоидасини мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилишга уринишлар мавжуд. Шунингдек, мазкур қоидалар вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида тугатиш имконини кўзда тутди. Жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал қилишда вояга етмаганга нисбатан ҳеч қандай таъсирнинг бўлишига йўл қўйилмайди, ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланиши тақиқланади. Шунингдек, шахсни озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларнинг муддати эса минимал даражага туширилиши керак. Озодликдан маҳрум қилишда вояга етмаганни бирор-бир муассасага жойлаштириш ҳар доим сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклиги таъкидланади.

Шу ўринда, олдинги бобларда таҳлил қилинган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этадиган халқаро стандартлардан бизнинг миллий қонунчилигимизда акс эттирилмаганлари сифатида

қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– ЮНИСЕФ тавсиясига кўра, бола манфаатларида судларга киритилган даъволар бож ва бошқа тўловлардан озод қилиниши;

– ЖИК 132-моддасига кўра болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш белгиланган. Бирок, Бангкок қоидалари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ўташга маҳкум қилинганларнинг фарзандлари маҳкум ҳисобланмаслиги, улар билан муомала қилиш шунга яраша бўлиши, энг асосийси – жиноят содир этган шахс (она) жазони ижро этиш муассасасига келгунга қадар озодликда қоладиган вояга етмаган фарзандига ғамхўрлик қилишнинг муқобил йўллари амалга оширишига имконият яратиш лозим.

– БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлари – “Пекин қоидалари”нинг 4.1. пунктига кўра вояга етмаганлар учун жиноий жавобгарлик ёши уларнинг эмоционал, маънавий ва интеллектуал ҳолатларидан келиб чиқиб, жуда паст ёшнинг белгиланмаслиги лозимлиги қайд этилган;

– профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги ва бошқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4006-сон қарорига билан 2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси ишлаб чиқилди¹.

Бизнингча, янги таҳрирдаги жиноят-ижроия қонунчилигини ишлаб чиқишда 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4006-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

резолуция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлари – “Пекин қоидалари”, 2015 йил 17 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида А/RES/70/175-сон “Нельсон Мандела қоидалари” ва бошқа вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутадиган халқаро ҳужжатлар нормаларини имплементация қилиш мақсадга мувофиқ.

Негаки, амалдаги Жиноят кодексига шу кунга қадар 80 га яқин ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган бўлса, жиноят-ижроия қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида атиги 20 га яқин қонун қабул қилинган.

Бундан ташқари амалдаги жиноят-ижроия қонунчилигида вояга етмаганлар томонидан жиноий жазони ўташ шартлари ва тартиби алоҳида белгиланмаган. Бизнингча, юқорида келтирилган халқаро ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг резолюцияларини инобатга олган ҳолда “Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари” деб номланган бобда вояга етмаганларнинг жиноий жазони ўташ шартлари ва тартибини ёритиш, бунда халқаро стандартларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, амалдаги жиноят-ижроия қонунининг 18-моддасига мувофиқ шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4296-сонли қарори билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилган бўлсада, мазкур Вакилнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

масалалари бўйича жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилмаган. Бизнингча ЖКнинг 18-моддасига шу мазмунда тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Олдинги параграфларда қайд этилганидек халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгиловчи умумий қоидалар кўрсатилганлиги, аксарият давлатлар, хусусан, Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон ва Украина давлатларида ҳам жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан белгиланишидан келиб чиқиб, фикримизча миллий жиноят қонунчилигига жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишнинг минимал ёш 14 ёш этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида таҳлил этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро стандартлар ҳамда халқаро ташкилотлар резолюцияларида вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда унинг ёши, ўзига хос физиологик ва интеллектуал ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган бўлсада, амалдаги жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ой сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Жиноят қонунига мазкур ўзгартиришнинг киритилиши вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашда ЖКнинг одиллик ва инсонпарварлик принципига риоя қилинишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ЖК 85-моддасига кўра вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан оғир жиноят учун олти йилгача ҳамда ўта оғир жиноят учун ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан оғир жиноят учун етти йилгача, ўта оғир жиноят учун ўн йилгача муддатга тайинланади.

Маълумки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазолар тизимидаги энг оғири ҳисобланади. Айрим олимлар, вояга етмаганларга мазкур жазони тайинлаш масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак, деб ҳисоблайдилар. Жумладан, ушбу масала юзасидан Ф.Тохиров қуйидаги фикрни билдирган: “Вояга етмаганларга жазо тайинлашда уларни жамиятдан ажратиш давлат мажбурловининг ўта қаттиқ шаклидир ва вояга етмаганларга нисбатан бу нафақат охириги балки фавкулотда чора сифатида қаралиши керак”¹.

Бизнингча, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатлари вояга етмаганнинг шахси, унга нисбатан мазкур белгиланган муддатлар давомида уни ахлоқан тузатиш ижобий натижадан кўра салбий натижага олиб келиши нуқтаи назаридан уларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатларини қисқартириш мақсадга мувофиқ. Бунда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ҳуқуқий репрессияни тежашнинг асосий принципи – жазонинг мақсадларига енгилроқ таъсир чоралари билан эришиш имкониятлари мавжуд бўлса, шундай имкониятлардан фойдаланиш кераклиги аҳамиятга эга. Акс ҳолда, жиноий репрессияни тежашнинг ҳожати йўқ. Бу ҳақда сўз юритиб, И.И. Карпец “жиноятчилик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ҳар қандай йўллар билан қисқартириш – яхшиликдир”, деб таъкидлайди².

Шу нуқтаи назардан ҳамда вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланишидан келиб чиқиб, шунингдек “Пекин қоидалари”га мувофиқ ЖК

¹ Ф. Тохиров. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва уларга жазо қўллаш муаммолари. // Қонун ҳимоясида. Т. 2001. № 1. 27-б.

² Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. 1996. С. 97.

86-моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларини қисқартириш лозим.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар учун жиноий жазоларни янада либераллаштириш сиёсатини инобатга олган ҳолда вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатларини қисқартириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда бундай амалиёт Германия (Вояга етмаганлар ишлари бўйича одил судлов тўғрисидаги Қонуннинг 17-18-параграфлари), Тожикистон (ЖК 87-м.), Қирғизистон (ЖК 82-м.) жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга тайинланадиган ОМҚнинг энг кўп муддати 10 йилни ташкил этиши аниқланди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда уларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари асосан иш вақтини тўғри белгилаш билан боғлиқ эканлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 32-моддасига асосан иштирокчи давлатлар томонидан кундалик вақтдаги ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларнинг аниқланиши белгиланган. Ўзгартирилиши таклиф этилаётган моддада эса 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳафталик иш вақти белгиланган бўлсада, бироқ уларнинг кундалик иш вақти муддати кўрсатилмаган. Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, шунингдек Конвенциянинг 32-моддасига асосан вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти муддатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бундай тартиб АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия, РФ, Белоруссия, Қозоғистон меҳнат қонунчилигида акс этган. Шунга кўра Меҳнат кодексининг 242-моддасига вояга етмаган шахслар учун қисқартирилган кундалик иш вақти муддатининг аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

3.2. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири вояга етмаганларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бугунги кундаги энг долзарб масалаларидан бири уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга янгича ёндашув, бу борадаги эскича қараш ва қолиплардан воз кечиш ҳисобланади.

Бизнингча мазкур жараёнда вояга етмаган шахснинг соғлиғини муҳофаза қилиш, унинг атрофидаги муҳитни соғломлаштириш, унинг тарбия ва таълим олишига етарли шароит яратиш бирламчи аҳамият касб этади. Шу ўринда, муваффақиятли амалга оширилган “Меҳр” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинганлиги, уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилганлиги¹ фикримизни тасдиқлайди.

Халқаро ҳуқуқ миллий қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширишга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Миллий қонун чиқарувчи ҳокимият халқаро ҳуқуққа зид келадиган қонунлар чиқара олмайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг зиммасидаги халқаро мажбуриятлар билан чекланган бўлиб, у халқаро ҳуқуқ нормаларини рўёбга чиқариш учун зарур қонунлар чиқаришга мажбур².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида Ҳисоботи. <http://ombudsman.uz/uz/publication/1703/>

² Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. 1996. С. 122.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатлари, шу жумладан қуйидагиларга қўшилган мамлакатлар сирасига киради:

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр–қимматни камситувчи турларига қарши конвенция;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва бошқ.

Шунингдек, республикамизнинг кўплаб қонун ҳужжатларида юқоридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидалар ўз аксини топган ҳамда улар асосида бир қатор қонунлар қабул қилинган.

Шу жиҳатдан қаралганда 2019 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори¹ вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Негаки мазкур қарорда Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланиши белгиланди. Бу эса малакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини аниқлатади.

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидаги икки асосий жиҳатни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон

биринчи, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга муурожаат қилмаган ҳолларда, ўн тўрт ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги;

иккинчи, болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан муурожаат қилишда даъвогар давлат божи ва тўловлардан озод қилиниши.

Шу ўринда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар бўйича амалиёт материаллари ўрганилганида 2018 йилда алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари республика бўйича жами 322152 тани, 2019 йилда 348002 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг атиги 4 ойи давомида эса бу кўрсаткич 262772 тани ташкил этган. Бу рақамлар алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатиш ва ижро этиш билан боғлиқ муаммоли жиҳатлар мавжудлигини кўрсатади.

Албатта, вояга етмаганларни ҳимоя қилиш борасидаги миллий амалиётда илгари ўн тўрт ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатиши каби тартиб мавжуд эмас эди. Мазкур имтиёз ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро стандартларга мувофиқ амалга тақдим этилди. Негаки, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 3-моддасида болани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, суд, маъмурий бошқарув ва қонунчилик органлари томонидан қарорлар қабул қилишда боланинг энг устун манфаатлари кўзланиши тавсия қилинган. ЮНИСЕФ тавсиясига кўра, бола манфаатларида судларга киритилган даъволар бож ва бошқа тўловлардан озод қилиниши мақбул ҳисобланади¹.

¹ А.Саидов. Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. <http://qashqadaryo.uz/uz/nview/>

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 8-моддасига биноан, боланинг энг устун манфаатлари шундай айрилишни талаб қиладиган ҳоллардан ташқари иштирокчи давлат бола ўз ота-онасидан боланинг хоҳиш-иродасига зид тарзда айрилишига йўл қўймайди. Бироқ, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо турларидан бири сифатида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш белгиланган. Маъмурий жавобгарлик учун ўн олти ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилишини назарда тутсак, ҳозирги пайтда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган бола содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун унинг ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган бўлса-да, бола мамлакатдан чиқариб юборилиши мумкин. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда миллий қонунчиликни халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган вояга етмаган шахс содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилишига йўл қўйилмаслигига оид ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Олдинги параграфларда қайд этилганидек, Ўзбекистонда ювенал адлия тизимини жорий этиш ишлари бошлаб юборилди. Маълумки, бундан кўзланган мақсад 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида қатнашиши учун қулай шароит яратишдан иборат. Шу жиҳатдан, бизнингча вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришда қуйидаги икки омил муҳим аҳамиятга эга:

- амалдаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, улардаги “вояга етмаган” ва “бола” каби тушунчаларни унификациялаш;
- Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул штат бирлигини киритиш. Чунки, вояга етмаган

шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аввало, у яшаб турган муҳитда тўлақонлик амалга оширилган бўлиши ҳамда унга кўрсатиладиган ҳар қандай тусдаги ҳимоя аниқ ва манзилли бўлиши лозим.

Худди шунингдек, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларида вояга етмаганларнинг узоқ муддатга хорижий давлатларга чиқиб кетишларини олдини олиш, уларни таълим жараёнига қайтариш ва таълим муассасаларида ўқишларини давом эттириш борасидаги ишларни самарали ташкил этиш вазифаси ҳам юкланиши лозим.

Бизнингча, бунда асосий эътибор етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олишга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори билан “Меҳрибонлик” уйлари ноинституционаллаштириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага қабул қилаётган номзодларни (фуқароларни) танлаш, кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш тартиби белгиланган¹.

Фикримизча, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига бирламчи бўғин сифатида вояга етмаган шахсларни меҳрибонлик уйларига жойлаштиришни ноинституционаллаштириш, патронат тизимини кенг жорий этиш бўйича вазифалар ва ваколатлар юклаш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бунда вояга етмаган шахсларни меҳрибонлик уйларига жойлаштиришда патронат тизимини жорий этиш механизми “ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 824-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/824/3835-сон

болаларни аниқлаш ва уларнинг ягона электрон базасини яратиш – болаларни оилага тарбияга олаётган номзодларни аниқлаш ва уларнинг ягона электрон базасини яратиш – патронат – патронатларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик-педагогик, тиббий жиҳатдан қўмаклашиш” шаклида бўлиши лозим.

Бундан ташқари болаларни болалар уйларига жойлаштирмасдан тарбияга олиш механизмини такомиллаштиришда оилага тарбияга олинган (патронат), васийлик ёки ҳомийликка, фарзандликка олинган, Оилавий болалар уйлари ва бошқа етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун давлат муассасаларида тарбияланаётган болалар учун яратилган шароитлар сифатини баҳолашнинг минимал стандартларини, шунингдек тутинган оила ва боланинг ижтимоий ва психологик мослашувини таъминлаш мақсадида ижтимоий, психологик-педагогик кузатиб бориш дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида фаолият олиб боровчи кадрларда юқорида келтирилганларни амалга ошириш кўникма ва компетенцияларини шакллантириш мақсадида ижтимоий хизмат йўналиши кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларида тегишли ихтисослик бўйича фан ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу борада илмий ва ижтимоий тадқиқот ўтказиш долзарб аҳамият касб этади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида баъзи хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, РФ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 1.6., 5.57, 6.17-моддаларида болаларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ва болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, бундай қоида Беларусь Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 8.4.-моддаси, Қозоғистон Маъмурий

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 64-моддаларида ҳам белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда ушбу муносабатларни тартибга солиш масаласига оид Ўзбекистон Республикасининг “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сон Қонуни 2017 йилда қабул қилинган. Унда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу ҳужжат болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Лекин, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бизнингча амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қуйидаги 47⁶-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

47⁶-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, шунингдек болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти, шунингдек муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулотини тарқатиши қоидаларини бузиш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг касб-ҳунар ўрганишлари ва ўз касблари бўйича меҳнат қилишлари учун ҳуқуқий ҳамда зарур ижтимоий-иқтисодий кафолатлар мустаҳкамланган. Уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда меҳнатини рағбатлантириб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Давлат ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур шароитларни яратиб беришни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали вояга етмаганларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

Олдинги бобда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4296-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилганлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ва Олий Мажлис Сенатининг Қўшма қарорига биноан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятининг штат тузилмаси кенгайтирилиб, янги ташкилий тузилма тасдиқланди, яъни бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолиятга кўмаклашувчи алоҳида шўъба ташкил этилди¹.

Бу борадаги жорий амалиёт материаллари ўрганилганида биргина 2019 йилда Вакилнинг минтақавий тузилмаларига 1471 та мурожаат, шу жумладан, шахсий ҳуқуқлар бўйича 583 та, ижтимоий ҳуқуқлар бўйича 408 та, иқтисодий ҳуқуқлар бўйича 292 та, сиёсий ҳуқуқлар бўйича 175 та ва экологик ҳуқуқлар бўйича 13 та мурожаат бўлганлиги, мазкур мурожаатларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 14 сентябрда қабул қилинган 2738–III/КҚ–594–III-сонли Қўшма қарори.

кўриб чиқиш якунлари бўйича 36 та кам таъминланган оилага 37 миллион сўм моддий ёрдам олишда, 51 нафар фуқарога уй-жой, маиший шароитларини яхшилашда ёрдам кўрсатилди, 15 нафар мурожаат этувчига вояга етмаган болаларини тарбиялаш учун 86,8 миллион сўмлик алимент пулларини ундиришда ёрдам берилганлиги аниқланди¹.

Шу жиҳатдан қаралганда, бизнингча, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий амалиётида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришларни, тақдимномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасдан ишончсиз маълумотларни тақдим этганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси таҳрирдаги 197⁵-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида Ҳисоботи. <http://ombudsman.uz/uz/publication/1703/>

ХУЛОСА

Вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ қилиш натижасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали муҳофаза қилиш, шунингдек соҳага оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўли билан бу борадаги миллий қонунчиликни ва амалиётни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига оид назарий таклифлар:

1. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар специфик характерга эга бўлиб, бу вояга етмаган шахснинг аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишини англамаслиги, шунингдек уларни мустақил ҳимоя қилиш имконияти йўқлиги билан изоҳланади.

2. *Имплементация* – давлат томонидан халқаро ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш, бажариш маъносида қўлланилиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига кириб келишини англатади. Имплементация қилиш усуллари ва воситалари уни амалга ошираётган давлат манфаати нуқтаи назаридан ва ўрнатилган қонунчиликка асосланган тартибда амалга оширилади. Бироқ, бунда имплементация қилинаётган ҳуқуқий муносабат нормаларини миллий қонунчиликка сингдиришнинг реал ижтимоий зарурати мавжудлиги тақозо қилинади.

3. *Трансформация* – халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа кириб келиш жараёни халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига айланишини кўзда тутган ҳолда, одатда бундай ҳуқуқий ҳодиса трансформация деб аталади. Бунда халқаро-ҳуқуқий норма ўз мазмунини сақлаб қолса-да, унинг шакли баъзан ўзгаради. У давлатда махсус қонун чиқариш ёки ушбу давлат ҳудудида халқаро шартнома кучда эканини ва барча

шахслар унинг талабларига риоя этишга мажбур эканини қонунлар асосида эълон қилиш йўли билан амалга оширилади.

4. Ювенал юстиция – халқаро атама бўлиб, вояга етмаганлар учун одил судлов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади. Ювенал юстициянинг суд органидан фарқли жиҳати у жамиятнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларга дахлдор масалаларни ҳал этишда кенг қатнашади.

II. Вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига оид миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:

5. Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ювенал судлов тизимини шакллантириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Ювенал судлов тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

6. Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартлар, шунингдек хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб:

– миллий жиноят қонунчилигига жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишнинг минимал ёш 14 ёш этиб белгиланиши;

– Бола ҳуқуқлари бўйича Вакил институтининг ўзига хослиги, бола – вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакл ва услубларининг мураккаблиги, бу эса алоҳида дифференциал ёндашувни тақозо қилиши, шунингдек функционал вазифа ва ваколатларига кўра Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)дан алоҳида, мустақил институтга айлантирилиши мақсадга мувофиқ.

7. Янги таҳрирдаги жиноят-ижроия қонунчилигини ишлаб чиқишда 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолуция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлари – “Пекин қоидалари”, 2015 йил

17 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида A/RES/70/175-сон “Нельсон Мандела қоидалари” ва бошқа вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутадиган халқаро ҳужжатлар нормаларини инобатга олган ҳолда “*Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари*” деб номланган бобда вояга етмаганларнинг жиноий жазони ўташ шартлари ва тартибини ёритиш, бунда халқаро стандартларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

8. Амалдаги жиноят-ижроия қонунининг 18-моддасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

9. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро стандартлар ҳамда халқаро ташкилотлар резолюцияларига мувофиқ амалдаги жиноят қонунчилигига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ:

– 84¹ ва 85-моддаларда вояга етганларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ойдан бир ойга қисқартириш;

– 85 ва 86-моддаларда вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларини қисқартириш.

10. Амалдаги Меҳнат кодексининг 242-моддасига вояга етмаган шахслар учун қисқартирилган кундалик иш вақти муддатининг аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ;

11. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда миллий қонунчиликни халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган вояга етмаган шахс содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан

маъмурий тарзда чиқариб юборилишига йўл қўйилмаслигига оид ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

12. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий амалиётни такомиллаштиришда қуйидаги икки омил муҳим аҳамиятга эга:

– амалдаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, улардаги “вояга етмаган” ва “бола” каби тушунчаларни унификациялаш;

– Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул штат бирлигини киритиш;

13. Амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 47⁶-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар:

1. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 14 декабрь.// uza.uz

2. Ш. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь.// uza.uz

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги — инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. 2017 йил 7 январдаги “Прокуратура органлари ходимлари куни” олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашувдаги нутқ.// <http://xs.uz/index.php/uzhzhatlar/itemlist/date/2017/1/9>

4. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // 2017 йил 13 январь. uza.uz

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. - 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2019. – 396 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2019. -672 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Тошкент: Адолат, 2019. -475 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. 2001 й., 29 август. (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 13-сон, 194-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 117-модда.

11. “Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 494-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 492-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 262-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 87-модда

15. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2002 йил 15 октябрь 21-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.2. – Тошкент, 2007. – 298 б.).

20. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 сентябрь, 182 (6617)-сони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПҚ–4006-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

Асосий адабиётлар

1. Кенжаев Т., Муллажанов А., Тураханов Д. И другие, Правосудие в отношении несовершеннолетних, Учебно-практические пособие. Ташкент., Lesson press., 2020. – С. 104.

2. Юлдашева Г., Эсанова З.Н., Эгамбердиев А.У., Тухташева У.А., Права ребенка. Дарслик. – Т.: ТГЮУ, 2017. – Б. 28

3. Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар. – Международные документы по правам несовершеннолетних/Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2002.-19 б;

4. Бессарабов В.Г. Организация деятельности Российской прокуратуры (1996-2006). – Нальчик, 2006. С. 36.

5. Бирюков П.Н. Международное право: Учеб. пособие. – М.: Юристь, 2008. – С. 24.

6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Т.: UNICEF Uzbekistan, 2014. Б.15.

7. Галузо В.Н. Сущность прокурорского надзора // Прокурорский надзор. Под ред. Галустьяна О.А. и др. – М.: «Закон и право», 2006. С. 14.

8. Гасанов М.Ю. Ўзбекистонда ювенал адлия тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш концепцияси // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», 2006, №1, 32 – 38 – бетлар;

9. Даев В.Г. Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 2007.-С.69.

10. Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 2007.-С.69.

11. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006. – Б. 66.

12. Одилқориев Х.Т. Ёшлар ҳуқуқини муҳофазалаш – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналиши// Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: миллий қонунчиликда халқаро стандартларни амалга ошириш масалалари// Илмий-амалий конференция материаллари, Т.: ТДЮИ, 2008 й, - Б. 188-199;

13. Одилқориев. Х. Т, Очилов. Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 72.

14. Прокуратура Российской Федерации: Концепция развития на переходный период. – М., 2004;

15. Проблемы развития правового статуса Российской прокуратуры в условиях переходного периода. – М., 2008;

16. Смирнов А.Ф. Прокуратура и проблемы управления. – М., 2007; Дворянский А.М., Рохлин В.И. Прокуратура Российской Федерации: Конспект лекции. – СПб., 2009.

17. Прокурорский надзор в Российской Федерации. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. – М.: «Сентябрь», 2015. – С. 18, 29-32.

18. Пулатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати (ўқув қўлланма) // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. 2007. Т., 132-б;

19. Раҳманов Ш.Н. Халқаро ташкилотлар резолюцияларининг халқаро ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олиниши: Автореф. юрид. фан. ном....дис. – Тошкент, ЖИДУ, 2007. – Б. 15.

20. Раҳимова.М. Халқаро ҳуқуқ. Тошкент: “Академия”, – 2005. – Б. 31-32.

21. Рустамбаев М.Х. Права человека начинаются с прав ребёнка//”Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. Б.12

22. Рустамбоев М.Х. Ёшлар қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари//Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари/ Масъул муҳар. Т.А.Умаров. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2008.

23. Становления институтов ювенальной юстиции в России и зарубежных странах: историко-правовое исследование. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2009.;

24. Ткачев В.Н. Освобождение несовершеннолетних от уголовной ответственности и восстановительное правосудие: Дисс. ... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2002. С. 42.;

25. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: Учебное пособие/ Под ред. и с предисл. И.Д.Козочкина. –М.: Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А.С.Грибоедова, 2003. С.347.

26. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширилишининг халқаро-ҳуқуқий масалалари (назария ва амалиёт муаммолари). Юр.фан.номзоди....автореферати. –Т.: Patent-Press, 2007.;

27. Ф. Тохиров. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва уларга жазо қўллаш муаммолари. // Қонун ҳимоясида. Т. 2001. № 1.

28. Хамидова М.А.Ювенал юстиция у қандай бўлиши керак? Рисола./Масъул муҳаррир ю.ф.д. Х.Бобоев.-Т.ДЮИ.2006. – 40 б.

29. Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. ю.ф.н. илм.дар... дисс. – Т., 2006.

30. Эргашев А.А. Адвокат томонидан вояга етмаганларни химоя қилишнинг айрим масалалари// Адвокатура институтини ислоҳ этишнинг айрим йўналишлари мавзусидаги давра суҳбати материаллари/ Т.; 2009, 26-30.

31. Эсанова З.Н Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида химоя қилишда вакил (адвокат) иштирокининг ўзига хос хусусиятлари // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007 №4. Б. 40-46;

32. Ювенальная юстиция: Специфика реализации судебной власти /Э. Б. Мельникова.//Государство и право на рубеже веков. Криминология. Уголовное право. Судебное право. – М., 2001. -С. 259 – 265.

Қўшимча адабиётлар

1. “Болаларни маънавий ва жисмоний ривожланишида ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Чашма принт, 2017.

2. Introduction a la justice des mineurs, Patrice Saceda., Vaucresson, CNFE-PJJ, novembre 2001.

3. James R.Himes Implementing the Convention on the Right of the Child, UNICEF, Italy, 1995.p.78.

4. Абдумажидов Ғ.А. Адолат, жавобгарлик, жазо. // Давлат ва ҳуқуқ. -2003.- № 4. –Б.14.

5. Алимов Ғ – Х.А. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Т., 2004. – С. 40.

6. Алламуратов А.Т. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари: “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 126-131 б;

7. Ахраров Б.Д. Жиноят қонунчилигининг вояга етмаганлар тўғрисидаги нормаларининг либераллаштириш масалалари. “Ёшларга оид

давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 102-109 б;

8. Джамбакиев Б. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари//Фалсафа ва ҳуқуқ.2007.№2.-С.57-58.

9. Жасимов И.К. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. – Т., 2004. – 72-бет.

10. Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш бўйича методик тавсиялар. – Тошкент, 2006.

11. Как работает ювенальная юстиция во Франции. М.: 2009 г.

12. Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. 1996. С. 97.

13. Конфликт между поколениями // Социологическая энциклопедия. В 2 т. Т. 1. М., 2003. С. 484. Психология неблагополучной семьи. М., 2006.- с. 203-204, 114.

14. Ломовский В.Д. Прокурорско-надзорные правоотношения. – Ростов-на-Дону, 2007. – Стр. 52-53.

15. Ломовский В.Д. Прокурорско-надзорные правоотношения. Монография. – Ростов ГУ, 2007. – Стр. 35-43.

16. Мавлонов И.Х. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва структураси // “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари//Т.: ТДЮИ, 2007 й, 15-18 б;

17. Мадалиев О. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва прокурор. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари// Т.: ТДЮИ, 2008 й, 164-167 б.

18. Мак-Клеллан Д. Правосудие по делам несовершеннолетних в США // Уголовная юстиция: проблемы международного сотрудничества. М., 1994. С. 176.

19. Маргиев В.И. Правотворчество международных организаций. – Майкоп, 1998. – С. 46.
20. Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. – Ленинград: изд. ЛГУ, 1990. –
21. Международное право: Учебник / Отв. ред. Ю.М. Колосов, Э.С. Кривчикова. – М.: Международные отношения, 2001. – С. 228.
22. Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно – правовом регулировании. 2-е изд. – М.: Дело, 2009. – С. 93.
23. США. Конституция и законодательные акты. – М.: НОРМА-ИНТЕКС. 1993. С. 572.

Интернет ресурслари

1. <http://zakony.com.ua/lawbase.html?catid=8554>
2. <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/322-yuvenalnyie-sudyi-dve-33742.html>
3. <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/semeynyiy-sud-31946.html>
4. http://pnu.edu.ru/ru/faculties/full_time/uf/iogip/study/studentsbooks/hist-sources2/igpzio52/ Уголовно- процессуальный кодекс Франции, 1808 г.
5. https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2019/07/Nelson-Mandela-Rules_Uzbek-Language.pdf
6. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya>
7. <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/biz-nima-qilamiz>
8. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml
9. А.Саидов. Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. <http://qashqadaryo.uz/uz/nview/>
10. БМТ Болалар фондининг миссияси.
<http://www.un.org/uzb/pages/display/unicef>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил ___ июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил ___ июлда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 39-сон, 294-модда, 52-сон, 384-модда, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 51-52-сон, 498-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда, 17-18-сон, 171-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 401-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 16-сон, 116-модда, 117-модда, 28-сон, 263-модда, 37-38-сон, 366-модда, 39-сон, 390-модда, 391-модда, 52-сон, 513-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 171-модда, 37-сон, 402-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 20-сон, 147-модда, 21-сон, 161-модда, 38-сон, 329-модда, 51-сон, 482-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон,

24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон,
09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон;
13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон,
04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон,
26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон) қуйидаги ўзгартиш киритилсин:

1) ЖКнинг 17-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104 – 106, 118, 119, 137, 164 – 166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹, 127, 127¹, 144, 146, 193 – 195, 205 – 210, 225, 226, 230 – 232, 234, 235, 279 – 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

2) 84¹-модда матнидаги «олти ойдан» деган сўзлар «бир ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 85-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

б) оғир жиноят учун – беш йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – етти йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

б) оғир жиноят учун – олти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – саккиз йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади»;

4) 86-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«86-модда. Жазо тайинлаш

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати етти йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, саккиз икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – саккиз йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165, 182-моддалар; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384, 385-моддалар; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 498, 501-моддалар; 2007 й., 14-сон, 134, 134-моддалар, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504, 512-моддалар, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда, 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555, 557-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313, 317-моддалар, 38-сон, 329-

модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(I)-сон, 32-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон, 10.2018 й., 03/18/495/2029-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон, 01.11.2019 й., 03/19/577/3975-сон, 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон) қуйидаги ўзгартиш киритилсин:

1) 29¹-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган вояга етмаган шахс содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилишига йўл қўйилмайди.”

2) қуйидаги мазмундаги **47⁶-модда** билан тўлдирилсин:

“47⁶-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, шунингдек болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулотини, шунингдек муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулотини тарқатиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

3) қуйидаги мазмундаги 197⁵-модда билан тўлдирилсин:

“197⁵-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш

Мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришларни, тақдимномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 503-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 15-сон, 179-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон) қуйидаги ўзгартиш киритилсин:

1) 18-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.”

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 112-модда, 9-сон, 229-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда, 554-модда; 2010 й., 51-сон, 483-модда;

2012 й., 37-сон, 421-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон) қуйидаги ўзгартиш киритилсин:

1) 242-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:
«Иш вақтининг кундалик муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга етти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун беш соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади».

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил ____ _____,
ЎРҚ-_____-сон

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш чоралари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асос
I. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси		
<p>17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги</p> <p>Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда</p>	<p>17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги</p> <p>Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.</p> <p align="center">Чиқарилмоқда.</p> <p>Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, <u>98, 104 – 106, 118, 119, 137, 164 – 166, 169-моддалари</u>, 173-моддасининг <u>иккинчи</u> ва <u>учинчи</u> қисмлари, <u>220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари</u>, 277-моддасининг <u>иккинчи</u> ва <u>учинчи</u> қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹, 127, 127¹, 144, 146, 193 – 195, 205 – 210, 225,</p>	<p>Хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етиш ёши турлича белгиланган. Қонун вояга етмаганликни умумий тушунча сифатида тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш билан боғлайди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жинойий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгиловчи умумий қоидалар кўрсатилган. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 18 ёшгача, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшни ўз ичига олади. Болгария, Венгрия, Германияда жинойий жавобгарлик ёши 14 ёшдан;</p>

<p>тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Ушбу Кодекснинг 122, 123, 1251, 127, 1271, 144, 146, 193 — 195, 205 — 210, 225, 226, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.</p>	<p>226, 230 – 232, 234, 235, 279 – 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.</p> <p>Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.</p>	<p>Греция ва Францияда 13 ёшдан, АКШда штатлар қонунчилигига кўра 10 дан 17 ёшгача вужудга келади. Европа давлатларининг кўпчилигида вояга етиш 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда эса 20 ёшдан ҳисобланади.</p> <p>Аксарият давлатлар жиноят қонунчилигида, хусусан, Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон ва Украина давлатларида ҳам жиний жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошланади.</p> <p>Шу сабабдан ҳам миллий жиноят қонунчилигига жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишнинг минимал ёш 14 ёш этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.</p>
<p>84¹-модда. Озодликни чеклаш Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси</p>	<p>84¹-модда. Озодликни чеклаш Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо</p>	<p>2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Ўзбекистон Республикасининг</p>

<p>сифатида <u>олти ойдан</u> икки йилгача муддатга тайинланади.</p>	<p>чораси сифатида <u>бир ойдан</u> икки йилгача муддатга тайинланади.</p>	<p>“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан ЖКнинг вояга етганларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилган.</p> <p>Бироқ, жиноят қонунида мазкур турдаги жазоларнинг вояга етмаганларга нисбатан ҳам тайинланиши белгилангани ҳолда вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг</p>
--	--	---

минимал муддати олти ой сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 6-бандида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш,

		<p>процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ЖК 84-моддани тақлиф этилаётган таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ.</p>
<p>85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлариданазарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан: б) оғир жиноят учун — олти йилгача; в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.</p>	<p>85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан: б) оғир жиноят учун — беш йилгача;</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонуни билан ЖКнинг вояга етганларга нисбатан тайинланадиган озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилганлиги жиноят қонунида мазкур турдаги жазоларнинг вояга</p>

<p>Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — етти йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади.</p> <p>Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.</p> <p>Хукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади.</p>	<p>в) ўта оғир жиноят учун — етти йилгача муддатга тайинланади.</p> <p>Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:</p> <p>б) оғир жиноят учун — олти йилгача;</p> <p>в) ўта оғир жиноят учун — саккиз йилгача муддатга тайинланади.</p> <p>Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.</p> <p>Хукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади.</p>	<p>етмаганларга нисбатан ҳам тайинланиши белгилангани ҳолда уларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг минимал муддати олти ой сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.</p> <p>Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари</p>
--	---	--

		<p>тўғрисида”ги ПФ-4850 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 6-бандида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда уларни жиноий жавобгарликка тортиш, хусусан улар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш мақсадида</p>
--	--	--

		<p>ЖК 85-моддани тақлиф этилаётган таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ.</p> <p>Бу қоида Германия (§17-18), Тожикистон (ЖК 87-м.), Қирғизистон (ЖК 82-м.) каби давлатларда вояга етмаганларга тайинланадиган ОМҚнинг энг кўп муддати – 10 йил</p>
<p>86-модда. Жазо тайинлаш</p> <p>Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.</p> <p>Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.</p>	<p>86-модда. Жазо тайинлаш</p> <p>Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.</p> <p>Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати етти йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, саккиз икки йилгача тайинланади.</p>	<p>Озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазолар тизимидаги энг оғири ҳисобланади. Вояга етмаган жиноятчиларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткични келтириш мумкин. Республика бўйича 2000 йилда вояга етмаганларнинг судланганлиги умумий жиноятчиликнинг 3,6 %ини, 2001 йилда 3,9%ини, 2002 йилга келиб 4,6 %ини, 2003 йилда 3,4%, 2004 йилда 4,2%, 2005 йилда 3,4 %, 2006 йилда 3,4%, 2007 йилда 3,5 %ини</p>

<p>Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.</p> <p>Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинладиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.</p> <p>Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.</p>	<p>Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — саккиз йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн йилгача муддатга тайинланиши мумкин.</p> <p>Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинладиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн йилдан ошмаслиги керак.</p> <p>Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.</p>	<p>ташқил қилган. 2001-2005 йилларда озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар жами маҳкумларнинг: 25,6%, 23,4%, 21,1%, 19,9%, 16,3%ни ташқил қилган. 2006-2011 йилларда озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар тегишинча 294 та (18,2%), 253 та (16,6 %) ва 241 (18,3%) тани ташқил этган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра 2015 йилда вояга етмаганларга нисбатан кўрилган жиноят ишлари сони 1275 тани ташқил этиб, шундан 170 та ҳолатда вояга етмаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланган. Шундан 11 та ҳолатда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати 10 йилдан ортиқни ташқил этган.</p> <p>2016 йилда вояга етмаганларга нисбатан</p>
---	--	--

кўрилган жиноят ишлари сони 921 тани ташкил этиб, шундан 149 та ҳолатда вояга етмаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган. Шундан 7 та ҳолатда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати 10 йилдан ортиқни ташкил этган.

2017 йилнинг биринчи чорагида вояга етмаганларга нисбатан кўрилган жиноят ишлари сони 224 тани ташкил этиб, шундан 28 та ҳолатда вояга етмаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган. Шундан 1 та ҳолатда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати 10 йилдан ортиқни ташкил этган.

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, амалиётда вояга етмаганларга нисбатан 10 йилдан ортиқ муддатга

озодликдан маҳрум қилиш жазони қўллаш кам учрайди. Шу сабабдан ҳам вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатининг тегишинча қисқартирилиши мақсадга мувофиқ.

Бизнингча вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда уларни жиноий жавобгарликка тортиш, хусусан улар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноят қонуни нормаларини либераллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, вояга етмаганларнинг ёши ва психологик ривожланишидан келиб чиқиб, шунингдек 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-

		<p>резолуция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлар – “Пекин қоидалари”га мувофиқ ЖК 86-моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларини қисқартириш мақсадга мувофиқ.</p> <p>Бу қоида Германия (§17-18), Тожикистон (ЖК 87-м.), Қирғизистон (ЖК 82-м.) каби давлатларда вояга етмаганларга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлашнинг энг кўп муддати 10 йил этиб белгиланган.</p>
--	--	---

II. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси

<p>29¹-модда. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш</p> <p>Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан</p>	<p>29¹-модда. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш</p> <p>Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан</p>	<p>Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 8-моддасига биноан, боланинг энг устун манфаатлари шундай айрилишни талаб қиладиган ҳоллардан ташқари иштирокчи давлат бола ўз ота-онасидан</p>
---	---	---

<p>маъмурий тарзда чиқариб юбориш уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади.</p> <p>Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁹, 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддаси еттинчи ва саккизинчи қисмларида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда қўлланилиши мумкин.</p> <p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>маъмурий тарзда чиқариб юбориш уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади.</p> <p>Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁹, 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддаси еттинчи ва саккизинчи қисмларида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда қўлланилиши мумкин.</p> <p>Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган вояга етмаган шахс содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий</p>	<p>боланинг хоҳиш-иродасига зид тарзда айрилишига йўл қўймайди. Бироқ, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо турларидан бири сифатида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш белгиланган. Маъмурий жавобгарлик учун ўн олти ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилишини назарда тутсак, ҳозирги пайтда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган бола содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун унинг ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган бўлса-да, бола мамлакатдан чиқариб юборилиши мумкин. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш</p>
---	---	---

	<p>тарзда чиқариб юборилишига йўл қўйилмайди.</p>	<p>ҳамда миллий қонунчиликни халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-онаси Ўзбекистонда қонуний асосга кўра яшаб турган вояга етмаган шахс содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилишига йўл қўйилмаслигига оид ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.</p>
<p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>47^б-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш</p> <p>Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, шунингдек болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти, шунингдек муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот</p>	<p>Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида баъзи хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, РФ</p>

	<p>маҳсулотини тарқатиш қоидаларини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>	<p>Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 1.6., 5.57, 6.17-моддаларида болаларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ва болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, бундай қоида Беларусь Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 8.4.-моддаси, Қозоғистон Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 64-моддаларида ҳам белгиланган.</p> <p>Маълумки, мамлакатимизда ушбу муносабатларни тартибга солиш масаласига оид Ўзбекистон Республикасининг “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сон Қонуни 2017 йилда қабул қилинган. Унда</p>
--	--	--

		<p>болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу ҳужжат болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиғига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини кўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Лекин, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида болалар</p>
--	--	--

		<p>соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бизнингча амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўйидаги 47⁶-модда билан тўлдириш мақсадга мувофик.</p>
<p>Тўлдирилмоқда.</p>	<p>197⁵-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш Мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришларни, тақдимномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш</p>	<p>Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий амалиётида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш,</p>

	<p>муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этиш,</p> <p>—</p> <p>мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>	<p>худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришларни, тақдимномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қуйидаги таҳрирдаги 197⁵-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.</p>
III. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси		
<p>18-модда. Жазони ўташ жойларига кириш</p> <p>Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи</p>	<p>18-модда. Жазони ўташ жойларига кириш</p> <p>Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи</p>	<p>Амалдаги жиноят-ижроия кодексининг 18-моддасига мувофиқ шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва</p>

<p>муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p>Маҳкумларнинг кино-, фото-, видеотасвирга тушириш ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган рухсати бўлган тақдирда йўл қўйилади.</p>	<p>муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p>Маҳкумларнинг кино-, фото-, видеотасвирга тушириш ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар хавфсизлигини ва қўриқланишини</p>	<p>қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.</p> <p>Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4296-сонли қарори билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилган бўлсада, мазкур Вакилнинг вояга</p>
---	--	--

	таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган рухсати бўлган тақдирда йўл қўйилади.	етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилмаган. Бизнингча ЖИКнинг 18-моддасига шу мазмунда тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.
IV. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси		
<p>242-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати</p> <p>Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.</p> <p style="text-align: center;"><i>Тўлдирилмоқда</i></p>	<p>242-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати</p> <p>Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.</p> <p>Иш вақтининг кундалик муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга етти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун беш соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.</p>	<p>“Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 32-моддасига асосан иштирокчи давлатлар томонидан кундалик вақтдаги ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларнинг аниқланиши белгиланган. Ўзгартирилиши тақлиф этилаётган моддада эса 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳафталик иш вақти белгиланган бўлсада, бироқ уларнинг кундалик иш вақти муддати кўрсатилмаган. Вояга</p>

<p>Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.</p>	<p>Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.</p>	<p>етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, шунингдек “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 32-моддасига асосан вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти муддатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ.</p> <p>Бундай тартиб АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон меҳнат қонунчилигида акс этган.</p> <p>Таклиф этилаётган таҳрир ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ходимлар учун қўшимча кафолатларни назарда тутувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида таълимнинг 12 йиллик мажбурий таълим устуворлигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган.</p>
--	--	---

		Шунга кўра Меҳнат кодексининг 242-моддасини тақлиф этилган таҳрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ.
--	--	---